



МАРЫФАТ • ХАЛК ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСЫ

Ma'rifat

1931 йилдан чиңа бошлаган

2001 йил 27 январь, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 8 (7307)

«КАМОЛОТ» ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ТАШАББУС
ГУРУХИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ



Ассалому алайкум, хурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги учрашувимиздан мақсад — жамиятимиз ҳаётида фоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ёшлар тарбияси, бу борада олдимиизда турган вазифалар ҳақида сизлар билан хар томонлама фикрлашиб олишдан иборат.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятилик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диккат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман.

Бу ишларнинг ҳозирги ва келажак ҳаётилизда нечоғли улкан аҳамиятга эга эканини тасаввур этиш учун ўзимизга бир савол беришимиз табиий, деб ўйлайман: нега бу масалага бугунги кунда бундай улкан аҳамият ва эътибор бермоқдамиз?

Чунки юртимизда яшаётган, ўзининг, ўғил-қизларининг эртанги кунини ўйлайдиган хар бир одам, ҳар бир ота-она барча қилаётган ишларим, аввали, ўрнимни босадиган фарзандим учун, зурриёдлариминг бахту саодати учун, деб билади.

Шу ният билан дараҳт экади, уй қуради, фарзандига, ке-

рак бўлса, бутун борлигини бағишлиади. Бола тарбиясини, унинг келажакда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, камол топишими ўз умрининг мазмуни деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимиизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртаги кунимиз, ўркин ва фаровон ҳаётилиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг озод ва обод Ватан, фуқаролик жамияти барпо этиши, тараққий топган давлатлар ва халқлар қаторига кўтарилишдек улуг мақсадларимиз, ҳеч шубҳасиз, мана шу олижон обозифани нечоғли оқилона амалга оширишимизга боғлиқ, эканини чукур англаб олишимиз даркор.

Барчамиз бугунги ҳаёт олдимиизга қўяётган бир аччиқ ҳақиқатнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда-ким бизнинг мустакил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамиятнига ошириш учун ҳар қандай усусларни ишга солмоқда.

Улар бу борада жуда катта куч ва маблағ сарфлаб, одамларнинг диний, миллий ҳиссиятларидан, бизнинг моддий ҳаётилизда мавжуд бўлган ўткини иқтисодий-ижтимоий қийинчилликлардан фойдаланишига уринмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг марказида турганини алоҳида таъкидлади. Ёркин келажак, курдатдан давлат куриш айнан бугунги авлоднинг салоҳиятига, унинг интилиш ва акл-идроқига боғлиқ, деди Президент. Шу сабабли истиқлоннинг ilk кунларидан бошлаб мазкур масалага жиддий эътибор қаратилди ва бу ишлар бугунги кунда янада кучайтирилмоқда. Ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, имкониятларини кенгайтириш, таълим-тарбия олишига етарли шароит юратиш мақсадида мамлакатимизда турли жамғармалар, ташкilotлар тузилди. Бугунги кунда айнан шундай муассасаларимиз кўмагида ёшларимиз хорижда ўқишига, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишига мусассар бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, уларнинг яхши ҳаёт куриш, фаровон турмуш кечириши учун юратилётган имкониятлар кенгайиб бораётir.

Мамлакатимизда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ

борасида улкан ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, улар бугунги давр талаблари даражасида кенг қамровли эмаслиги ҳам сир эмас. Шунинг учун ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарур. Йигилишда Президент Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига ўтишади.

Энг муҳими, шуни унумаслигимиз керакки, ёшларимизга, бинобарин, келажагимизга таҳдид солиб турган бу хавфларнинг олдини олиш учун бугун қатъий ҳаракат килмасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Биз фарзандларимизни Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак.

Мен «етаклаш» деган сўзни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл кўйисак, болаларимизни бошқалар етаклайди. Чунки, ҳаётга энди-энди қадам кўяётган ёш қалб, ёш инсон ҳамиша маънавий етакчига, мураббий устоғза муҳтоҳ бўлади.

Биз — табиатан очиқўнгил, самимий халқмиз. Лекин бундай хавф-хатарларга соддадиллик билан, юзаки тушучалар билан қарши туриб, курашиб бўлмайди.

Ёш авлодимизни ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш учун курашда биз куйидаги икки йўналишни энг муҳим ва ҳал қўлувчи мақсад сифатида белгилаб, уларни бирбирига уйғунлаштиришимиз лозим.

Бу йўналишнинг биринчиси — халқимизнинг азалий анъаналарига, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиласидиган урф-одатлари ва тилига, динига, руҳиятига, қисқача айтганда, дунёкаши ва тафаккурига асосланиш бўлса,

(Давоми 2-бетда)

(Давоми 2-бетда)

«КАМОЛОТ» ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТАШАББУС ГУРУХИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

иккинчиси — умуминсоний ва замонавий ютуқларга таянишdir.

Барчамиз яна бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз керакки, биз давлатимиз ва жамиятимиз келажагини ўз чегараларимиз, ўз қобигимизга ўралиб қолган холда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадрияларни чукур ўзлаштирган холда тасаввур этамиш. Бу келажакни биз тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамиятнинг бошқариш усусларини, инсон эркинликлари ва ҳурфикарлиликни тафаккуримизга, ўз ҳаётимизга жорий қилишда кўрамиз.

Яъни, биз бутун маърифатли дунё, ҳалқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш тарафдоримиз.

Биз учун мана шундай йўл маъкул, унинг бошқа муқобили йўқ. Мана шу руҳда, шундай тамойил ва ўналишларга таяниб, ўз болаларимизни, янги авлодни тарбиялашимиз зарур. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз теран англаб олишимиз, уни ёшларимиз онгига ҳам сингдиришимиз керак.

Бу хусусдаги фикрларга хулоса ясад, шуни айтмоқчиманки, Ватанимизнинг эртанги кунини, шунча машақатлар чекиб қилган ишларимизнинг мевасини кўрмоқчи бўлган, ўз зурёдларининг баҳту иқбалини истайдиган ҳар бир одам — у ким бўлиши, қандай лавозим эгаси эканидан қатъи назар, бу масаладан четда турмаслиги керак. Бугун бу ўта муҳим масалага бепарво қарашга, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳақки йўқ.

Биз юртимизда олиб борилаётган таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларга, шу соҳага даҳлор бўлган идора ва ташкилотлар фаолиятига ҳам айнан ана шу нуктаи назардан баҳо беришимиз зарур.

Қадрли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, бундан беш йил муқаддам яхши орзу-умидлар билан ёшларимизнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг ҳаётний муаммоларини ечишга кўмак берадиган ташкилот тузиш максадида «Камолот» жамғармасини ташкил этган эдик.

Ўтган вақт мобайнида бу жамгарма мұайян ишларни амалға оширган бўлса-да, афсуски, бу соҳага мутасадди бўлган раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва очик айтишимиз керак, шу масалага барчамиз етарли эътибор бермаганимиз натижасида «Камолот» ёшларнинг ҳақиқий маънодаги етакчиси ва ҳимоячисига айланга олмади.

Холбуки, бу ташкилотнинг фаолият бошлиши, оёққа туриб олиши учун ўз вақтида давлат томонидан катта маблағ ажратилган ва кўмак берилган эди.

Хўш, бугун Жамғармадаги вазият, аввало, унинг ёшларимизга таъсири қайд ахволда?

Жамғарманинг 57 киши ишлайдиган марказий идораси, вилоят, шаҳар, туман бўйимлари, жойларда, корхона ва олий ўқув юртларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган шоҳобчалари бор. Уларнинг молиявий манбаи асосан Жамғарма иктиёридаги айрим биноларни ижрага беришдан келадиган маблағлардан иборат.

Дейлик, ана шу куйи ташкилотлар бугун бирон-бир ёрдам сўраб келса, «Камолот»нинг марказий идораси уларга қандайдир амалий кўмак бера оладими? Афсуски, йўқ. Чунки, Жамғарма фаолияти, шуни ҳам тан олишимиз керак, ўз холига ташлаб кўйилган, ёшларни юксак максадларга даъват этиши, маънавий-маърифий тарбия ишлари бир четда қолиб кетган.

Ўз вақтида бу ташкилот сиёсатдан холи, яни жамғарма сифатида тузилган эди. Бундан кўзланган мақсад — эски комсо-

мол тизими, умрини ўтаб бўлган коммунистик мафкура асортларидан ёшларни холос қилиш эди. Бирок бу — Жамгарма мамлакатимиздаги ижтимоий жараёнлардан, таълим-тарбия ишларидан, маънавий ҳаётдан, умуман, бугунги бошимиздан кечираётган муаммолардан бутунлай четда туради, дегани эмас-римиз,

«Камолот»нинг яқинда сўнгги ташкилий анжуман-мажлиси бўлиб ўтди ва унинг янги раҳбари сайданди. Лекин бир савол туғилади. Бу анжуманда кимлар иштирок этди? Аввало, ёшларимизнинг ишончини қозонган ва ваколатларини олган, бошқача айтганда, кенг қатламдаги навқирон авлод вакиллари каташадими, йўқми?

Бир сўз билан айтганда, «Камолот» ташкилоти бугунги кунда том маънода ёшларимизнинг фам-ташвишларига шерик бўлишда, уларнинг орзу-умидлари ушалишида, оғирини енгил қилишда, ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали ҳаётда ўғил-қизларимизнинг ўз мунособ ўрнини топишида қандай хизмат қилимокда? Ва замон талабларига Жамгарма ҳозирги шаклида қандай жавоб бериши мумкин, деган ўй-фирклар барчамизни безовта килиши табиийдир.

Мана шундай оғир, лекин ҳаётнинг ўзи олдимизга кўяётган савол ва муаммоларни ечиш вақти келди, деб ўйлайман.

Ёшларимизни ўз бағрига оладиган янги ташкилот тузиш зарурлиги ҳақида гапирада эканмиз, у аввалги ёшлар идораларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши керак?

Бу ташкилот ўз олдига қандай долзарб ва устувор мақсадларни қўйиши, унинг муассис ва хомийлари кимлар бўлиши, энг муҳими, бу ташкилотнинг жамиятни ҳаётига таъсир этиши восьитлари қандай бўлиши лозим?

У мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларининг талабалари орасида, ҳўжалик ва корхоналарда, ҳарбий қисмларда қандай иш олиб боради, ёшларнинг манфаатларини қандай химоя килади?

Бугунги куннинг энг оғир муаммоларидан бири бўлган — иш қидириб, касб ўрганиш умидида юрган ёшларимизга қандай амалий ёрдам бера олади?

Бундай ҳаётий саволларни кўплаб келтириши мумкин.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, биз бу масалани ёшларга даҳлор расмий ва норасмий идораларда вакиллари ва тегишли мутахассислар иштирокида кўпдан бери муҳокама қилиб келмоқдамиз. Мазкур ташкилотни шакллантириш борасида турли мулоҳазалар, ҳатто қарама-қарши фикрлар ҳам билдирилмоқда.

Бу борада янги ташкилотнинг сиёсий ва ижтимоий шакли — қиёфаси ҳақида, сиёсий партиялар билан муносабати, сайловлар ва бошқа жаёёнларда фаол иштирок этиби, ҳокимият идораларида ўз вакилларига эга бўлиш учун кураш олиб бориши ва ҳоказолар ҳақида билдирилган турли хил фикр-мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтишимиз мумкин.

Шу билан бирга, бунга тескари бўлган фикр ва таклифлар, яни бу ташкилот мутлақа сиёсатдан холи бўлиб, ўз фаолиятини, аввало, ёшларнинг ижтимоий муаммоларига йўналтириши, уларнинг маънавий камолотини юксалтиришда ўз ўрнини топиши зарур, деган қарама-қарши фикрлар ҳам олдинга суримокда.

Бир-биридан кескин фарқ қиласидан бундай таклиф ва мулоҳазалар атрофида, жумладан, янги ташкилотнинг мақоми қандай бўлади, яни у давлат ташкилоти ёки жамоат бирлашмаси сифатида фаолият юритадими, у ёшларнинг эътибор ва интилишини нима хисобидан ўзига жалб этади, унга қандай имтиёзлар берилади, ташкилий тузилиши, молиявий манбалари, унга аъзо бўлиши, аъзолик бадаллари тўлаш тартиби каби масалалар бўйича бўлиб ўтётган кўп-кўп тортишувлар, баҳс-мунозаралар бу ўта муҳим масалани ойдинлаштиришга хизмат қилимокда.

Бу борада ривожланган мамлакатлардаги мавжуд ёшлар ташкилотлари, шунингдек, ха-

ларо ёшлар тузилмаларининг ташкилий тузилиши, асосий мақсад ва вазифалари ҳам ўрганиб чиқилиб, хорижий давлатларнинг шу соҳадаги тажрибаси хисобга олинмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, бир нарса барчамизга аён бўлиши керак: ёшларимизни ўз сафига бирлаштирадиган ҳаракат ёки ташкилот тузилиши замоннинг ўзи олдимизга энг кескин ва долзарб масала тарикасида кўймокда. Лекин бундай ташкилотнинг юзага келишини, аввало, ёшларимизнинг ўз хошиш-иродаси, уларнинг ҳаёт режалари, ташвиш-армонлари, орзумидлари асосида амалга ошириш даркор.

Яна ва яна шуни таъкидлаб айтмоқчиман: ёшлар учун хизмат қиладиган, уларнинг манфаатини кўзлайдиган ва ҳимоя этадиган, уларнинг ногидан иш юритадиган ташкилот тедадан туриб эмас, балки бевосита ийгит-қизларимизнинг ўз ташаббуси ва хошиш-иродаси билан, уларнинг талабларини инобатга олган ҳолда тузилиши керак. Шундан кейинги демократик тамоиллар, демократик қадриятлар ҳақида гапириш мумкин.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий таълифлар, яни янги Ҳаракатни тузилиш жараёнининг дастлабки босқичи бу борадаги кўп масалалар устида чуқур ўйлаб, кейин уларнинг ечимига кўл уриш лозимигини кўрсатмоқда.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Ўйлайманки, ёшларнинг янги тузилиш жараёнлари — у ўюшма ёки ижтимоий ҳаракат деб аталаидими, бундан қатъи назар, ўз фаолиятида, биринчи галда ёшлар олдида турган энг долзарб масалаларга эътибор қаратиши керак бўлади.

Агар бу тўғрида менинг фикримни сўрсангиз, мен аввало «Камолот» номини саклаб қолишини, шу ном билан аталаидиган янги ташкилотни эса Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий ҳаракати сифатида ташкил этишини, унга ҳеч қандай мафкуравий вазифа юкламасликни таъкидлаб айтлаб эдим.

Бу ижтимоий ҳаракатнинг ўзига хос қиёфаси, фаолият ўюналиши ҳақида гап борар экан, у ёшларни қандай манфаат ва мақсадлар асосида ўзига тортиши, бирлаштириши тўғрисида ўйлаш лозим?

Менинг фикримча, Ҳаракатнинг асосий вазифаси — ёшларни бирлаштириш, соглом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносаб ўрин эгаллашига кўмаклашишдан, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат бўлиши даркор.

Азиз дўстлар!

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, барчангизни минг йиллардан бўён хукм суруб келаётган баъзи бир ҳаётий мезонлар, agar таъбир ўринли бўлса, ҳаёт фалсафасининг айрим кирралари ҳақида фикр алмашишга даъват этимокчиман.

Истаймизми-йўқми, инсон ҳаётидаги манфаат масаласи кўп нарсани ҳал қиласиди. Биз буни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилиб, тан олишимиз керак.

Шунинг учун ҳар бир йигит-қиз бу ташкилот сафига киришдан олдин беихтиёр, мен бу ҳаракатга аъзо бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан нима манфаат топаман, у ўзлигини англашимда, ҳаётда кўзлаган мақсадларимга эришишда, Оллоҳ таоло менга берган ақл-заковат, куч-ғайратни намоён этишимда қандай имкониятлар беради, дея фикр юритади.

Шуни ҳам хисобга олишимиз керакки, бугунги ёш авлод бундан ўн-ўн беш йил олдинги ёшлардан мутлақо фарқ қиласиди.

Мана шу ҳолатларнинг барчасини ино-

(Давоми 3-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

флом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ҳаёт мазмуни, янгича қадриятлар билан тўлдириш лозимлигини айтди. Ислом Каримов ёшларимиз тарбиясини ўз қўлимига олмасак, бу ишни бошқалар, яни демократия тамоилларига асосланган фаровон ҳаёт куришимизга раҳна соувучи кучлар ўз қўлига олиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириди.

Хўш, ёш авлодни турли қингир йўлларга кириб кетишидан, номақ бил оқимлар таъсирига тушиб колишидан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Давлатимиз раҳбари ёшларимизни ана шундай тажховузлардан ҳимоя қилиш йўлидаги курашда иккى йўналиш, иккى таъмийли белгилаб берди. Уларнинг биринчиси бу курашда ҳалқимизни ўз қўлини оғизларига, буғунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган урф-одатлари, тили, дини, рухиятига, дунъёқараши ва таъфаккурига асосланниш бўлса, иккичиниси умуминсоний ва замонавий қадрият ва ютуқларга таянишdir. Ислом Каримов бу тамоилларни олдимизга кўйилган энг муҳим мақсад сифатида белгилаб, уларни ўзаро ў

«КАМОЛОТ» ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТАШАББУС ГУРУХИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1–2-бетда)

батга олган ҳолда, бу Ҳаракатни тузиш ташаббускорлари, менинг назаримда, кўйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериши зарур.

Биринчидан, биз мана шу ташкилий жараёнда навқирон авлоднинг ўз салоҳиятини, айниқса, ёшликка хос жўшқин, табиий соглом интилишларни рўёбга чиқаришида бу Ҳаракат қандай имкониятлар яратиб бера олишини аниқ тасаввур этишимиз лозим.

Шу нутқи назардан қараганда, Ҳаракат ёшларга амалий ёрдам бериши, уларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлаб олишида таянч ва суюнч бўлиши, ёшларнинг бошига турли синовлар тушганда, дейлик, моддий-маънавий мададга муҳтоҷлик сезган пайтларида кўллаб-куватлаши даркор.

Энг асосийси, бу Ҳаракат ҳаётда учраб тувиши табиий бўлган турли тўсиклар, муаммо ва қийинчиликлар туфайли ёшлар кайфиятнинг, ёшлар дунёқарашининг салбий томонга ўзгаришига, уларнинг тушкунликка берилишига, но маъқул йўлларга кириб кетишига йўл кўймайдиган, мустакил ҳаётга қадам кўяётган ўсминалар учун химоя ва мадад бўладиган бир ташкилот бўлиши лозим.

Иккинчидан, одамзот ўзининг эзгу мақсадларига асосан жамоа бўлиб эришган, ўз бошига тушган кулфатларни ҳамиша биргалашиб енгган. Бу ҳаёттий ҳақиқат.

Шунинг учун бўғунги кунда ҳам инсоният ўз олижаноб орзу-умидларига етиб бориша бирга, ҳамкорлиқда ҳаракат килиб, кўп-кўп ютуқларни қўлга киритаётган экан, ўйлайманки, ёшлармизнинг ҳам мана шу ҳаракат сафида бирлашиши уларнинг бир-бирига мадад бўлиб, елкадош бўлиб, катта куч бўлиб шаклланишида ижобий натижалар бериши мукаррар.

Учинчидан, ҳаммамиз яхши биламишки, ўсиб-улгайиш жараёнда болалар орасида табиий етакчилар пайдо бўлади. Бу – ёшликнинг ўзига хос қонунияти бўлиб, улар бошқа болалардан ўз кучи ва қобилияти билан ажralиб турди. Болаларнинг аксарияти, истаса-истамаса, уларни тан олади, уларга яқин бўлишга, атрофида жисплашишга, хатти-ҳаракатларидан ибрат олишига интилади. Бундай ҳол барча ота-оналарга ҳам ёқавермаслиги мумкин. Лекин, бундан қатъи назар, яна таракорлаб айтаман, ҳаётнинг қонунияти шундай.

Бундан чиқадиган ҳаёттий муҳим ху-лоса шуки, биз ёшларни бир ташкилот атрофида бирлаштиришда, аввало, ана шу етакчиларнинг кучи ва салоҳиятидан оқилона фойдаланишини ўлашимиш, табиатан етакчи бўлиб туғилган бундай болаларни кўллаб-куватлаб, уларнинг қайнар турган куч-ғайратини соглом ўзанга қаратишимиш, жамоатчилик ўртасида танитиб, фаолиятига расмий тус беришиши, интилишларини ижобий томонга буриб юборишиши керак.

Ана шунда бу етакчилар атрофида ёшлар янада кўпроқ бирлашади. Давлатимиз, жамиятимиз, ота-оналар ҳам бунга йўл очиб бериши лозим. Чунки бундан ҳамма – жамоатчилик ҳам, ота-оналар ҳам манфаатдор бўлади. Ўшанда бундай етакчилар ўзларининг турли йигилиш ва учрашувларини кўпқаватли уйларнинг подваллари ёки пана-пасткам жойларда, яширин тарзда эмас, ошкора ўтказдиган бўлади.

Тўртинчидан, одатда ҳар бир ёш йигит-қиз мустақил ҳаётга кириб келар экан, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига ҳаракат қилади. Шу маънода, ташкил этилаётган бу Ҳаракат ёшлар

ни касб-хунарга йўналтиришда ҳам муҳим ўрин тутиши керак.

Ишсизлик муаммосини ечишда, ёшларни турли касб-хунарларга йўналтиришда, улар учун янги иш ўринлари ташкил этишда, чет элларга ўқишига ва ишга юборишида ҳам бу ташкилот муйян ваколат ва имкониятларга эга бўлиши лозим.

Бешинчидан, бу ташкилот ҳозирги мураккаб шароитда ёшларни нафақат ёт мафкуралар, диний экстремизм ва террорчилик, гиёхвандлик каби ташки таъсиirlардан, балки ўзимиздаги ички хавф-хатарлар – тўрачиллик, сансоларлик, маҳаллийчиллик, бокибемлик каби иллатлардан асрasha ҳам фаоллик кўrsatishi керак.

Мазкур ташкилот ўз аъзоларининг қобилият ва истеъодини кузатиб бориши, уни тарбиялаб рўёбга чиқариш ва кўллаб-куватлаши ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб билиши лозим.

Айтайлик, бўғунги кунда ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли олимпиада ва универсиадалар, «Умид» жамғармаси грантлари, Зулфия ва «Ниҳол» мукофотлари, вилоятлардаги турли кўрик-танловлар, фестиваллар учун ажратиладиган маблаглар мана шу Ҳаракат орқали ўтиши ва уларнинг аниқ ижроси бўйича бутун масъулият ушбу ташкилот зиммасига юқалиши, менинг фикримча, мақсадга мувоғиқ бўлур эди.

Шу сабабли Ҳаракат Низомида бу вазифаларни амалга ошириш учун унга давлат ташкилотлари томонидан тегишили маблаг ва ташкилий жиҳатдан кўмак бериб турилиши аниқ-равшан кўrsatiliши зарур.

Олтинчидан, биз оилани жамиятнинг энг муҳим бўғини, деб биламиш. Бу ма-салага давлатимиз масъулият билан караб, катта ишларни амалга оширмодда.

Лекин ёш йигит-қизлар турмуш кураётган пайтда мураккаб ҳаётий синовлардан ўтади, шу даврда ёрдамга кўпроқ муҳтоҷ бўлади. Ҳаракат бу муҳтоҷликни сезигирлик билан пайқаб, ёш оилаларга ёрдам беришни ўзининг асосий бурчи, деб билиши, шу мақсадда «Ёш оила» дастурини ишлаб чиқиш ма-саласига алоҳида аҳамият қаратиши зарур.

Шу билан кифояланиб қолмасдан, Ҳаракат бу борада парламент ва давлат идоралари олдига талаб кўйиб, тегишили конун хужжатлари, фармон ва қарорларнинг қабул қилинишида ёшлар манфаатини кўзлаб фаолият юртса, ҳар томонлама фойдали бир ишни бошлаган бўлар эдик.

Кези келганда ҳаммамиз ҳам боши-миздан кечирган бир ҳолатни айтиб ўтсам. Ёш оиланинг оёққа туриб олиши осон эмас.

Кўп-кўп мисолларга, керак бўлса, ўзи-мизнинг боши-миздан ўтган синовларга суюниб айтадиган бўлсак, ёш рўзгорни энг зарур нарсалар билан бир қадар бутлаб олиши учун камиди етти-ўн ийл ўтиши мукаррар.

Демокриманки, Ҳаракат эндигина турмуш курган ёш оилаларга маълум бир имтиёзлар берилиши, айтайлик, уларга кейин бўлиб-бўлиб қайтариш шарти билан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳакида ўз таклифларини илгари суриши ва уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиши ўринли, деб биламан. Ишончим комилки, бу ёш оилаларга моддий ёрдамгина бўлиб қолмай, айни пайтда уларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат килиши мукаррар.

Етгинчидан, мен Ҳаракатнинг яна бир вазифасини шундай тушунаман: олий

ўкув юртларини битириб, эндигина катта ҳаётга қадам кўяётган ёшларнинг

хизмат поғоналаридан кўтарилишида, лавозим нутқи назаридан ўсишида уларга ишонч билдириш, ёрдам бериши борасида ҳам бу ташкилот асосий ташаббускор бўлиши керак. Ёш кадрларнинг ҳаётга бўлган ишонч сўниб қолишига йўл қўймаслик, уларнинг қобилиятини, эришаётган ютуқларни доимо кузатиб бориши усул-услубларни, бугунги тил билан айтганда, мониторингни ташкил қилиш зарур.

Шубҳа йўқки, шу каби ваколат ва имкониятларни Ҳаракат тасарруфига берсак, энг муҳими, бу ваколат ва имкониятлар қофзда қолмасдан, уларни амалда, ҳаётда рўёбга чиқариши давлатимиз, жамиятимиз етарли ёрдамини берса, ўғил-қизларимиз бу ташкилот тимсолида ўз келажагини кўради, табиий равишида унга интилади.

Азиз дўстлар, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ёшларга биринчи навбатда нима керак? **Эътибор керак. Бу эътиборни ташкил қилишда адолат устувор бўлиши лозим.** Ёшларнинг ўзи мана шу Ҳаракатга бериладиган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланишида адолат мезонига риоя қилинишини таъминлаши зарур.

Бу усул-услубларнинг ишга солиниши фарзандларимизни Ҳаракат сафига тортишида кучли омил бўлади ва у тезда оёққа туриб, ҳеч шубҳасиз, бошқа ижтиёми ташкилотлар орасида ўзига муносиб ўринни эгаллади.

«Камолот» ташкилотининг вазифалари борасидаги ўз тасаввурларим ҳақида гапирад эканман, унинг биринчи ва асосий вазифаси тариқасида қуйидаги ма-салага эътиборингизни жалб этмоқчидан:

Ватан – ягонадир, Ватан – биттадир, деган foяни шу мўтабар заминимизда шаётган ҳар қайси инсон, аввалимбор, униб-усиб келаётган авлодимиз онги ва тафаккурига сингдириш, унинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш – «Камолот» ҳаракатининг энг олий, энг устувор мақсади бўлишини истардим.

Инсон баъзан ўз тақдиридан, омадидан, кундалик ҳаётидан норози бўлиши мумкин, лекин, у ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда ўз Ватанидан хафа бўлиши, кимгадир зарда қилиб, қандайдир алам билан, эл-ортига нисбатан хиёнат йўлига ўтишини мутлакоғайриинсоний, гайрифий ҳолат, деб биламан.

Ватанини ўз түқкан онасилик мукаддас билан, сажда-художек тавоб қилиш, унинг олдидағи ўз фарзандларим ҳақида гапирад эканман, унинг биринчи ва асосий вазифаси тариқасида қуйидаги ма-салага эътиборингизни жалб этмоқчидан:

Бошига ўз тақдиридан, омадидан, кундалик ҳаётидан норози бўлиши мумкин, лекин, у ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда ўз Ватанидан хафа бўлиши, кимгадир зарда қилиб, қандайдир алам билан, эл-ортига нисбатан хиёнат йўлига ўтишини мутлакоғайриинсоний, гайрифий ҳолат, деб биламан.

Биз оммавий аҳборот воситалари ходимлари, адабиёт ва санъат аҳли, ижодкор зиёлиларимиз амалга ошираётган бундай тарғибот ишларини катта миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Лекин айни вақтда шундай бир табиий савол түгилади: бўғунги куннинг қархамонлари қани?

Бошимиздан кечираётган ҳозирги оғир, мураккаб, шу билан бирга, шарафли даврда, яни мустақиллик йилларида бунёдкорлик, яратувчилик йўлида, истиқболимиз пойдеворини барпо этиш йўлида ўз Ватани ва ҳалқига Фидойилик билан хизмат қилаётган инсонлар, аввало, ёш авлод вакилларининг таъсирчан, ёрқин сиймоларини қаерда кўришимиз мумкин?

Шу маънода, биз ёшларимизнинг маънавий ҳамроҳи, уларнинг устози ва тарбиячиси бўлган ижод аҳлига, маданият намояндайларига ана шундай савол билан мурожаат қилишга ҳақимиз.

Ахир, бўғун ҳаётимизнинг қайси бир соҳасини олмайлик, ватандошларимиз жуда катта, илгари ҳаёлимизга ҳам көлтириш қийин бўлган ютуқларни кўлга киритаётганига гувоҳ бўламиз.

Хурматли дўстлар!

Ҳаммамизга яхши маълумки, ёшлик интилишлари чегара билмайди.

Шу нутқи назардан қараганда, эзгу орзу-ниятлар билан ёниб яшаётган йигит-қизларга улар кўзлаётган юксак уфқлар, буок мақсадлар, аввало, инсоннинг ўзи учун, юрти ва ҳалқи учун фойдали эканни очиб бериш керак. Ҳаракатнинг дастурий вазифаларини белгилашда мана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш айниқса муҳим.

Бу борада ҳалқимизнинг ёшларга ибрат бўладиган буок намояндадарни ҳаётни тарбиялаш ҳам катта ўрин тутади.

Бунинг учун тарихимизда ўтган улуғ зотларнинг ҳаёт йўли, қолдирган меросини бирёкламаликка берилмай, тўғри ва ҳаққоний акс эттириш даркор.

Лекин факат ўтмишдаги сиймолар билан чекланиб қолмасдан, бўғунги кун қархамонларини, илғор замондошларимизни ҳам миллат, ҳалқ минбарига кўтариш, уларнинг хурматини жойига кўйиш керак. Токи улар ёшлар учун том маънода ибрат намунаси бўлсин.

Чунки факат ўтмиш билан чекланиб қолсак, бу – кечаги кун билан яшаш бўлади. Бизнинг энг катта камчилигимиз ҳам аслида мана шунда. Бу камчиликка йўл қўймаслик учун воқеликнинг барча мураккаб жиҳатларини назарда тутиб, аввало, келажакни ўйлаб, тўлақонли

«КАМОЛОТ» ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
ТАШАББУС ГУРУХИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

(Давоми. Боши 1—2—3-бетда)

Юртимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартришга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати, илмифан, ижод ва санъатда қўлга киритаётган ютуклари билан бошқаларга ибрат бўлаётган, Ватанимиз химояси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юрт тинчлигини таъминлашда жонини ҳам аямайдиган ўғлонларимизнинг мардона чехрасини, уларнинг бадиий сиймосини биз қаерда кўриб, мамнун бўлишимиз мумкин?

Бугун дунёнинг энг машҳур илм даргоҳларида ўзининг акл-заковати, эришган натижалари билан обрў-этибор то-паётган қанчадан-қанча юртдошларимиз, нуфузли мусобақаларда юртимиз байробини баланд кўтараётган ўнлаб ажойиб-ўғил-қизларимиз, айтайлик, бокс бўйича, кураш, шу жумладан ўзбек кураши, таэквандо, каратэ, шахмат ёки теннис бўйича салмоқли ютукларга эришадиган спортчиларимизнинг ҳаёти ва фаолияти китобларга, фильмларга мавзу бўлишга арзимайдими? Нима учун биз уларни замонамиз қаҳрамонлари деб улуғламаймиз?

Ахир, барчамиз элим деб, юртим деб ёниб яшётган бундай замонамиз қаҳрамонлари — хоҳ ишчи, хоҳ фермер, хоҳ ҳарбий хизматчи, хоҳ артист, хоҳ спортчи бўлсин — улар билан нафақат бевосита учрашувларда, балки китоб орқали, саҳна орқали мулоқотда ҳам ўзимизга катта маънавий озиқ, ижобий таъсир олишимиз шубҳасиз.

Чунки бундай инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти, қўлга киритган ютуклари мисолида бизнинг қандай катта имкониятларимиз борлиги, қандай юксак марраларга эришишга қодир эканлигимиз яққол намоён бўлади.

Ўйлайманки, ҳозирги кунда мана шу масалалари бутун жамиятимиз ўртага кўймоқда ва бу соҳадаги амалий ишларни кучайтириш заруратини ҳаммамиз хис этмоқдамиз.

Мен бугун мана шу залда ўтирган хурматли маданият намояндalarimiz орқали барча ижодкор зиёлиларимизни шу долзарб масала тўғрисида жиддий ўйлаб кўришга даъват этаман.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Ёшлар ҳаракатининг самарали фаолият юритиши, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашида унинг ташкилий тузилиши ҳам мухим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан бу борадаги баъзи мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман.

Ҳар қандай ташкилот ёки уюшманинг фаолияти, иш самараси, аввалимбор, унинг ташкилий тузилишига, таркибига боғлиқ.

Бошқача айтганда, энг юқорида турган бошқарув бўлинмалари билан энг куйи погонадаги гурух ва аъзолар ўртасидаги масофа қанча қисқа ва кам бўлса, бу ташкилотнинг обрў-этибори шунчага ортади. Янни, бюрократик босқич ва поғоналар қанча кам бўлса, шунча яхши.

Иккинчидан, ташкилотнинг таъсисчиларини ҳам аниқ белгилаш керак. Токи улар шунчаки номига эмас, балки ташкилот ишига чин дилдан амалий ёрдам берадиган жонкуяр ва фидойи одамлардан иборат бўлсин.

Айни вақтда асосий таъсисчиларнинг вакиллари ҳамда ўз ҳаётини тажрибаси ва обрў-этибори билан юртимизда ташнилган, ёшлар ҳаётини яхши биладиган, уларнинг қалбига йўл топа оладиган сиёсатчилар, иқтисодчилар, маънавий-маърифий соҳанинг етакчи намояндalarидан иборат Маслаҳат кенгашини тузиш лозим.

Маслаҳат кенгashi таркиbiга ёшlar

тарбиясига алоқадор ташкилотлар ва сиёсий партияларнинг муносиб вакилларини киритиш ҳам ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Мұхтасар қилиб айтганда, Ҳаракатни ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама пухта қилиб тузишимиз, унга муносиб етакчиларни танлаб олишимиз зарур.

Акс ҳолда шунчак саъи-ҳаракат қилиб, шунча овора бўлиб, яна бир бюрократ ташкилот тузган бўламиш.

Мана шу хавфдан ҳаммамиз оғо бўлишимиз, унга йўл кўймаслик кераклигini алоҳида эслатиб ўтмоқчиман.

Қадрли дўстлар!

Энди ижозатингиз билан бу янги ташкилотнинг молиявий таъминоти ҳақидаги ўз фикрларимни ҳам айтиб ўтсан.

Менинг назаримда, унинг иккита молиявий манба бўлиши мумкин. Биринчиси — давлат улуши, иккинчиси esa — таъсисчилар улуши.

Яна бир қўшимча манба — бу ички ва хорижий ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланниши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, агар биз бу Ҳаракатни ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган ташкилот тарзида тузадиган бўлсак, у ҳолда, асосий ётибор тижорат соҳасига қаратилиб, маънавий-маърифий масалалар четда қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун Ҳаракатга ҳомийлик қиласига ташкилот ва корхоналарга қандайдир имтиёзлар бериш ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

«Камолот» ижтимоий ҳаракатининг ҳаётга келишида мухим ва энг жиддий масалалардан бири — бу ҳаракатнинг ташкилий таркиби, унга аъзо бўлиб кириш тартиbidir.

Биринchi йўл — ташкилотга киришда, буни бошимиздан кечирган ҳаётдан эслашимиз мумкин, барча расмий қоидиа ва тартибларга риоя қилган ҳолда аъзолик гувоҳномалари бериш орқали амалга оширилади, шахсий вақаъалар ва бадаллар тўловларини қайд этиш йўли билан ҳисобот олиб борилади.

Бошқача йўл — аъзоларни ҳисобга олиш ишини, мисол учун, дунёдаги тараккий топган давлатларда фаолият юритаётган партиялар тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда амалга ошириш. Бунда бадал тўлаш ва гувоҳномага эга бўлиш шарт эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биринchi йўл бизнинг мақсадимизга унчалик мос келмайди. Нега деганда, биз бу Ҳаракатни, аввало, ёшларни бирлаштириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя килиш мақсадида ташкилот этмоқчимиз.

Биз бугун очиқ жамиятда яшаемиз, эркин ва озод ҳаёт куряпмиз. Табиийки, бундай шароитда турли хил фикрлар, форя ва қарашлар мавжуд бўлади. Биз барчани кўр-кўронга бир фикрга итат қилдириш тарафдори эмасмиз. Фақат ёпиқ жамиятдагина шундай бўлиши мумкин.

Биз яқин ўтишда ана шундай тузум хукмонлигига ҳаёт кечирганимизни, у туфайли қанчадан-қанча азоб-укубатларга дучор бўлганимизни, у нафсониятимиз ва миллий гуруримизга, урф-одатларимизга қандай зарба берганини, бундай тузум қандай оқибатларга олиб келишини ҳали эсдан чиқарганимиз йўк.

Шунинг учун ҳам ёшларимиз тарбияси ҳақида гапиргандা, уларнинг буғунги замон билан, жаҳон цивилизациясининг илғор foялари билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга интилишини қўллаб-куватлашимиз, эски тизимга хос номаъул усул ва қоидаларнинг ҳар қандай кўринишларини қатъян рад этишимизни очик айтиш зарур.

Бизнинг мақсадимиз «Камолот» ҳаракатини қандайдир ёпиқ, ўта расмий таш-

килот тарзида тузиш эмас. Чунки бу ёшларни амалда бўлиб ташлашга олиб келиши, оқибатда Ҳаракат таркибида турли оқимлар, амалпараст кимсалар пайдо бўлиши мумкин.

Шунинг учун «Камолот» ҳаракатига аъзо бўлиб кириш якка тартибда эмас, балки жамоа асосида, ташкилий жиҳатдан ўшган гурухлар тарзида бўлгани маъул, деб ўйлайман.

Менинг назаримда, мактабларда 1-4-синф ёшидаги ўқувчилар, яни етти ўшдан ўн бир ёшгача бўлган болалар бевосита Ҳаракат ҳомийлигига иш олиб борадиган Болалар ташкилотига бирлашиши мумкин.

Колган синфлар, айтайлик, 5-9-синф ўқувчилари шу Ҳаракатга аъзо бўлиб кирмоқчи. Ёки бирор бир ҳарбий қисмда ёш аскарлар бўлинмаси аъзолари бу ташкилот сифатида Ҳаракатга аъзо бўлиб кириши мумкин.

Хўш, бундай вазиятда уларни Ҳаракат таркибида қабул қилиш қандай амалга оширилади? Бундай пайтда ўша ҳар бир жамоанинг ўзи ўшган ҳолда, бошлангич ташкилот сифатида Ҳаракатга аъзо бўлиб кириши мумкин.

Бунинг учун, дейлик, ҳар бир синфда ёшларнинг ўзи йиғилиш ўтказиб, бу масала юзасидан қарор қабул килади.

Бу қарорда уларнинг Ҳаракат Дастири ва Низомини кўллаб-куватлаши, унга ўз ихтиёри билан аъзо бўлишга қарор қилгани, ўз ораларидан муносиб бир етакчи сайлаб олгани, ана шу етакчига уларнинг иродида ва манфаатларини ифода эта-диган ва ҳимоя қиласига вакил си-фатида ваколат бериши баён этила-ди.

Мактаб бўйича бундай гурухларга битта етакчи раҳбарлик қилиб, бу вазифага ўқувчилар ўртасида обрўга эга бўлган ёш, фаол ўқитувчилардан бири сайланниши мумкин.

Лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларининг факультетларидан ҳам ойлик олиб ишлайдиган етакчилар саноқли бўлишини, қолган фаолларнинг эса жамоатчилик асосида иш олиб боришини кўзда тушиш лозим. Мехнат жамоатларida ҳам шу тартибга амал қилиш мумкин.

Ҳар йиғиси гурухнинг ўз низоми, ҳар йиғи қайта сайланадиган етакчisi бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳаракатнинг таркибий тузилиши шу тартиб асосида йўлга қўйилса, менимча, қўидаги на-тижаларга эришишимиз мумкин:

Биринчидан, Ҳаракат фаолияти расмиятидан холи бўлади, бюрократия ботоғига ботиб кетмайди.

Иккинчидан, бу ёшларда ташаббус ва қизиқиши, изланувчалик ўйготишга олиб келади. Мақсад шуки, Ҳаракат аъзолигига интилиш куйидан — ёшларнинг ўзидан чиқиши, ихтиёрий равишда ва демократик асосда пайдо бўлиши лозим.

Ана шунда бу юқоридан туриб тузадиган расмий бир ташкилот эмас, балки ёшларнинг ўз ташаббус ва интилишлари асосида дунёга келган ижтимоий ҳаракат бўлади. Янни, у барча ёшларни куйидан юқорига қараб бирлаштириб борадиган том маънодаги Ҳаракатга айланади.

Учинчидан, биз қуйи босқичда мана шундай тизимга таяниб иш кўрадиган бўлсак, жойларда ўзини ўзи назорат этиб, ўзини ўзи бошқара оладиган ёшлар гурухига — Ҳаракатнинг бошлангич ташкилотларига эга бўламиш.

Гувоҳномалар эса фақат бошлангич ташкилотга берилиши мумкин.

Туман, шаҳар ва вилоятларда ҳам бу

борадаги ишни шу тарзида ташкилот этишини ўйлаб кўришимиз лозим.

Шу йўсингда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилий таркибини Ҳаракатнинг марказий идораси, вилюят, шаҳар ва туман бўлимлари, мактаблар, лицей ва колледжлар, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари ҳамда ҳарбий қисмларда бўлим ва бошлангич ташкилотлари сифатида шакллантириш мумкин.

Тўртинчидан, Ҳаракатнинг куйи по-ғоналида ишни жамоатчилик асосида ташкил этиш ортиқа сарф-харажатларни қисқартириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ёшлар ташкилотининг мақсад-вазифалари ҳақида кўп гапириш мумкин: **Лекин, энг мухими, у ёшларимизнинг кўнглига йўл топиши, улар билан ҳамнафас бўлиб, дарду ташвишларини яқиндан ҳис этиб, уларнинг ҳақиқий ёрдамчисига, маслаҳатгўйига, маслаҳатдошига айланиши зарур.**

Яни, бу Ҳаракат таркибида ишлайдиган одамлар ёшларга тепадан бўйруқ бериб турадиган раҳбар эмас, балки уларни юқсак мақсадлар сари бошлайдиган етакчи, яна таъкидлаб айтаман, ҳақиқий етакчи бўлиши зарур.

Бу Ҳаракат ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётини манфаатларини қатъият билан ҳимоя этиши, бошқача айтганда, давлат ва ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, о

Ўқитувчи уз ўкувчиларига таълим бериш билан бирга, унинг тарбиясида ҳам масъул эканлигини сезади. Ички бир туйгу билан у беихтиер тарбия масалалари билан ҳам шугуллана боради. Ушбу фикр-мулоҳазаларим кўп йиллик кузатишларим ва тажрибаларим асосида дунёга келди.

Ўқувчиларимизга тарбия беришдан мақсад, уларни келажакда уз юргига, уз ҳалқига муносаби фарзандлар қилиб етиширишдир. Шунингдек фарзандларимизнинг соғлиги учун, уларнинг соглом фикрли, шод ва қувноқ бўлиб ўсишлари учун тинимиз қайгуриб туршишимиз зарур. Биз буюк келажак сари интилар эканмиз, энг аввало фарзандларимизнинг тарбиясига бўлган ўтиборни кучайтиришимиз керак.

Ҳар бир ўқитувчи ўкувчиларга тарбия беришини, аввало, уларнинг руҳий оламини урганишдан бошлаши даркор.

Ўқувчиларнинг руҳий олами, уларнинг узаро муносабатларида, ўқитувчи билан бўлган мулоҳазаларида, берилаётган саволларга жавобларида, дарсларни қайда даражада узлаштираёттанида ва бошқа ҳолатларда намоён булади.

ЎҚУВЧИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН

Агар ўқувчи дадил, тез ва яхши муносабатга киришувчи, саволларга аниқ ва пухта жавоб айтубчи, атрофга зийраклик билан назар ташловчи, ҳар бир нарсани ўз идрокидан қочирмайдиган бўлса бу ўкувчининг руҳий олами тоза, ўқитувчининг энг севимли ўқувчиси була олади.

Аксинча, ўкувчининг хатти-ҳаракатларида, муносабатларида, кузатишларида, жавобларида турли-туманлик ёки гайриодатий куринишлар учар экан, бу ўқувчи тарбиявий нуқсонлардан холи эмаслигини курсатади ва бу ўқувчи билан тарбиявий ишлар олиб бориш лозим булади.

Ўқувчиларнинг руҳий оламини кузатишида давом этар экансиз, (яъни иш жараёнида) наздингизда у сиз ўйлаган ўкувчикидек бўлиб кўринса-да, баъзи бир узига хос ҳолатларни сиздан сир сақлашга ҳаракат қиласди. Бундай вактларда сизнинг қуяётган талабларингиз ўқувчи учун иккичи даражали иш сифатида қаралади.

Шунга кўра сиз ўз таъсирингизни у ёки бу даражада курсата олмас экансиз, ўқувчи узи ташланган йўлдан воз кечмаслик ҳаракатида булади. Нима бўлганда ҳам болаларнинг руҳий оламида узоқроқ кезиши, улардаги куч-кудрат, имконият маконларини топа билиш, ўқитувчининг асосий вази-

фаларидан бириди.

Ўқувчилар тарбиясини яхшилашга киришар эканмиз, бола руҳиятидаги ўзгаришларнинг асосий сабаблари унинг оиласидаги мухитда эканлигини кузатиш мумкин. Ҳар қандай вазият ҳам ўқитувчидан ўкувчилар оиласига тез-тез "саёҳат" қилиб туришини тақозо этади.

Агар она-отани хурмат қиласиган, ўзаро аҳил, ҳар томонлама тушунган оила бўлса, билингки бу оиласидан фарзандлари ҳам яхши ўкувчиларди. Агар шундай оиласидан фарзандлари тарбиясида нуқсонлар учрагудек бўлса, билингки бунинг сабабларини оиласидан эмас, бошқа мухит таъсиридан излаш керак бўлади.

Болалар тарбиясининг бенуқсон бўлиши учун оиласидан соглом бўлиши қанчалик муҳим бўлса, кучалардаги одамларнинг ҳам соглом фикрлаши шунчалик муҳимдир. Унутмаслик керакки, бола кучаларда турли тоифадаги, турли ёшдаги одамларга дуч келиб туради.

Демак, болалар тарбиясини яхшилашга киришидан олдин тарбия босқичлари бўлган Оила — Мактаб—Жамият тушунчаларининг маъносига ту-

шуниб ўтишимиз зарур.

Табиийки, ўқитувчи ўкувчилар тарбиясини яхшилаш учун қатор чоралар кўллай бошлайди. Шулардан дастлабкиси тушунтириш чораларидир. Гарчи ўқитувчи ўкувчининг қандай бўлиши кераклиги, қандай талабларга муносаб бўлиши лозимлиги ва бошқаларни қайта-қайта тушунтириб ўтса-да, ўкувчилар онгининг бир хил қабул қильмаслиги аён бўлиб қолади. Шундан сунг энг яхши ўкувчиларни мақташ, бошқаларга намуна қилиб курсатиш чоралари кўлланади. Шунда ҳам ўзгармаётган ўкувчилар билан якка тартибида сұхбатлашиш, улар кўнглига йўл топа олиш учун ҳаракат қилиш лозим.

Доимий назоратга олинган ўкувчи ҳеч қачон ўқитувчи ўтиборидан четда қолмаслиги керак. Бошқа синфдошларининг бу ўкувчи таъсирига берилиб қолмаслиги учун курашиб керак.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ўкувчилар тарбиясини яхшилашнинг аҳамияти катта. Барча инсоний фазилатлар устувор турган жамиятда ҳамиятда тинчлик, фаровонлик, доинишмандлик тантана қиласверади.


**Эшболта ХЎЖАЕВ,
Фузор туманидаги 23-ўрта мактабнинг
бошланғич синф ўқитувчisi**

НАВОЙХОНЛИК

Ҳазрат Мир Алишер Навоий ижоди ва унинг бой меросини нафақат ўзбек ҳалқи, қардош ҳалқлар ҳам севиб ўрганмокдалар. Конимех туманинг барча мактаб ва боғчаларда Навоийнинг 560 йиллигига бағишилаб навоийхонлик кечалари ўтказилмоқда.

Жумладан, узоқ Қизилқум саҳросига жойлашган таълим қозоқ тилига олиб бориладиган Муҳтор Авезов номли 37-мактабда ҳам Навоийнинг 560 йиллик юбилейига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Яқинда мактаб ўкувчилари орасига бадиий-музыкий кечака ўтказилди. Қозоқ болалари Навоий руబойлари,

Мариям АДИЗОВА



Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги А.Хўжаев номли мактабнинг математика ўқитувчisi Маъмурда Мириюсупова мактабдаги услуг бирлашмасини бошқариш билан бирга «Ёш математиклар» тўгарагини ҳам олиб боради. Равиль Альбеков олган ушбу лавхада М.Мириюсупова мактаб олимпиадасида голиб чиқиб, туман босқичига йўлланмана олган 9-синф ўкувчisi Ниора Обидованинг ишлаган мисолини текшираётган лаҳза акс этган.

ДАРСЛИКЛАР СИФАТИ ЯХШИЛАНАЯПТИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини ўзлон қўлган давргача Республикасида 300 га яқин газета ва 60 та журнал, 1 та ахборот агентлиги бор эди, холос. Ўтган даврда, яъни мустақиллик туфайли газеталар сони 60 фоизга, журнallар сони эса 2 баробарга кўпайди. Хозирги кунда 507 та газета, 152 та журнал, 4 та ахборот агентлиги ва 51 та телерадиостудия фаолият кўрсатмоқда. Куни кечак Милий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот кўмитаси раҳбарияти, хусусан, кўмита раиси Рустам Шоғуломов, раис ўринбосари Шуҳрат Аҳмедов, кўмита бошкарма бошлиги Жаббор Раззаков, шунингдек, ОАВН демократлашириш ва кўллаб-куватлаш жамғармаси ҳамарси Xуршид Дўстмуҳамедовлар билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учрашувида шу далилга алоҳиди ургу берилди.

Дарҳақиқат, мустақил юртда матбуот тизими тез суръатларда ривожланди. Бунга кейинги йилларда ОАВГа оид қатор қонунларнинг қабул килинганида деб қарамоқ керак. Жараёнда дарслик ва китоблар сифати яхшиланди. Бу йил матбуот кўмитасининг саъй-ҳаракатлари билан 25270000 китоб чиқариши мўлжаллангипти. Янги ўкув ии-

лидан 1-синфга борадиган 647 минг ўғил-қиз учун ҳам дарсликлар нашр этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ундан ташқари қатор газета-журналарнинг нуфузи ҳам ошиб кетаётir.

— «Маърифат», «Тонг юлдузи», «Класс», «Саодат», «Фунча» каби газета-журналларнинг тиражи ошганлиги қуонарлидир, — деди Р.Шоғуломов. — Аммо баъзи газеталарнинг чикмай қолаётгани, чакана савдога чиқарилган нашрларнинг сотилмаётгани, айрим нашр муҳаррирларининг ўз хукуқлари ва бурчлари доирасидаги вазифаларни лозим даражада бажармаётгани эса афсусларнидир...

Шунингдек, у чора шуда айни пайтада қоғоз мумомлари мавжудлиги, келажакда унинг барта-раф этилажаги, матбаачи ва журналист кадрлар тайёрлаш ҳам токомиллаштирилажаги ҳақида сўз борди. Учрашув якунда қўмита раҳбарияти журналистларнинг кўплаб саволларига атрофлича жавоб қайтариб, матбуот соҳасини янада ривожлантириш йўлида барча имкониятларни ишга солишларини билдирилди. Мулоқот чиғида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасини қайта тикилаш ҳақида фикр билдирилди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

Олимпиада энг билимли ва иқтидорли ўшларни аниқлаш ва саралаш бўйича ўтказиладиган анъанавий тадбирдир. Чунончи, умумтаълим фанлари бўйича вилоят олимпиадаси шу йилнинг 5-7 январь кунлари Намангандаги вилоят аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган лицейда ўтказилди. Бу ерда уч кун давомида 9-, 10-, ва 11-синф ўкувчилари ўртасида 17 та фан йўналишлари бўйича қизғин баҳслар давом этди.

Шуниси қувончлики, бу йилги олимпиада олдинги йиллардагига қараганда анча уюшқоқли билан ташкил этилди ва юксак савияда, талабчаник руҳида ўтказилди, синовлар фахат холислик ва аддолат тамойиллари асосида ўтишига эришилди.

Олимпиаданинг барча босқичлари низом асосида, республика Таълим маркази томонидан юборилган методик тавсиялар ва меъёрий хужжатларга амал килинган ҳолда ташкил этилди.

ТАҲЛИЛЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Қизғин баҳсларда Наманган шаҳри ва вилоят туманлари мактаблари, шунингдек, турли лицейларнинг энг билимли ўкувчилари ўзаро беллашдилар.

Беллашувлар фанларнинг хусусиятларига қараб, амалий ва компютер орқали тест топшириклирни бажариш асосида амалга оширилди. Яна шу жараён, қизғин ва муросасиз баҳсларни ота-оналар, муаллимлар ва жаматчилик вакиллари кузатиб туриши.

Олимпиаданинг биринчи куни 17 нафар 11-синф ўкувчиларидан Наманган шаҳар юридики лицейи ўкувчisi Улуғбек Ҳусайнов (хукуқшунослик), Тўракўргон туманидаги 33-мактаб ўкувчisi Илҳом Аслонов (география), Поп туманидаги 50-интернат лицейи ўкувчisi Шоҳиста Аскарова (кимё), Наманган вилоят аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган лицей ўкувчisi Беҳзод Тўхтасинов (математика)лар энг юксак натижаларни кўлга киритиб, 1-урин соҳиблари бўлишиди ва олимпиаданинг IV Республика босқичига йўлланма

билимли ва муросасиз баҳсларни ота-оналар, муаллимлар ва жаматчилик вакиллари кузатиб туриши.

Олимпиада якунланди. Барчани ҳаяжонга соглган кунлар ва дақиқалар ортда қолди. Лекин таҳлил ва хуласалар ҳали давом эттирилади. Энг муҳими, билим шоҳсупаси чин маънодаги қобилият ва иқтидор эгаларига насиб этиши ҳаётини ҳақиқат эканлиги яна бир кара аён бўлди. Шубҳасиз, юрт истиколи ана шундай имлми ва маърифатли ёшлар ила янада мустаҳкам бўлажак.

Нурulloх ЗАЙНИДДИНОВ,
**Наманган вилоят педагогик ходимлар
малакасини ошириш институти нашриёт
бўлими бошлиғи, журналист.**

Риёзиёт, яъни математика сўзининг ўзаги риёзат бўлиб, у қийинчилик, азоб маъносини англатади. Бир шоир айтганки: "Риёзат чекмасанг, висол қайдадур".

Математика мураккаб фан бўлгани билан уни ўзлаштириш анча осон. Чунки у аник фан. Аниқ нарса бир марта яхшилаб ўрганиб олинса бас, хотираада узоқ муддат сакланниб турвареди. Ҳамма гап ўргатувчининг маҳоратида. У ўта билимдон, кучли услуби шунус бўлиши, ҳар бир шогирдига алоҳида ёндошмоғи зарур. 30-40 нафар бола билан шуғулланишда анча мушкуллик бўлишини ҳисобга олсанк математикани ҳам айрим

мисол ва масалаларида факат битта тўғри жавоб бўлади. Демак, ўкувчи масала ечиш давомида тор доирада фикр юритишга мажбур. Яъни, ундан фикрларни бир нуқтага жамлаб олиб, яхши ўйлаб зийраклик билан мушоҳада юритиш талаб этилади. Бекорга Ломоносов "Мен математикани аклимини чарлаш учун ҳам ўрганганд бўлур эдим" деб айтмаган! Шундай қилиб, болада фикрлаш қобилияти ўсган сари унда ақл ривожлана боради. У энди бирор нарса ҳакида хулоса чиқариш учун аввал чукур ўйлаб, мулоҳазакорлик билан иш тутишни ўргана бошлади. Бу эса унинг бош миясидаги минглаб ҳаракатсиз ётган ҳужайраларнинг жонлани-

Mulohaza

ривожланиш йўқ.

1959 йили МДУнинг филология факультетида тадқиқот ўтказилган. Шу факультетга қабул қилинган 100 нафар талаба иккى гурухга ажратилди ва улардан бирида олий математика курси ўқитила бошланди. Бир йил давомида математика курси ўқитиладиган гурух билан ўқитилмаган гурух талабалари бир неча йил давомида синовдан ўтказилганда шу нарса аён бўлдик, математика ўқиган талабаларнинг билим даражаси анча юқори бўлган. Иккинчидан, кейинчалик улар томонидан ёзилган бадиий

ФАНЛАР ИЧРА ФАН

фанлар каби гурухларга бўлиб ўқитиш даркор. Ҳар бир гуруҳда болалар сони 10-12 тадан бўлганда кўзланган максадга эришиш мумкин. Гурухларга ажратишни биринчи синфдан юқори бўлаш керак. Чунки болалар оила ва унинг ташқарисидаги мухитга боғлиқ ҳолда турли даражада ривожланган бўлади. Демак, уларнинг қабул қилиши ва ўзлаштириши ҳам турлича. Шунинг учун синфларни гурухларга ажратадиганда болаларнинг қобилиятларига қараб кучли, ўртача, кучсиз, яъни А, Б, В, гурухларга ажратган маъкул. Бунда кучсиз гурухларда кўшимча дарс ўтишга тўғри келади. Агар болалар бошлангич синфдан юқори бир жойда узоқроқ муддат ўтиришга, фикрлашга ва мушоҳада этишга ўргана борсалар, улар юқори синфга боргандарига нафақат математикадан, бошқа фанлардан ҳам яхши ўқиб кетадилар. Фикрловчи ва таҳлил эта олуви бола ҳеч вақт ёмон ўқимайди. Айрим олимларнинг фикрича, болалар 4 ёшга етгандарига ҳисоб ва ёзувни тезроқ ўзлаштирап экан. Агар бу боғча ёши эканлигини ҳисобга оладиган бўлсанк, асосий масъулият боғча тарбиячиларига тушади.

Риёзиёт — аник фан. Унинг

шига олиб келади. Биламизки, инсон бош миясида миллионлаб ҳужайралар бўлишига қарамай, унинг бор-йўғи уч физигина фаолият кўрсатади. Бу оддий шароитдаги ҳолат. Энди тасавур қилиб кўринг, агар шу физини мингдан бир улушга оширишнинг иложи бўлса, инсон ақли нималарга қодир бўлмас эди. Шу боисдан риёзиёт илми ни ақл гимнастикаси деб ҳам аташади.

Бугунги кунда турли оқимларга қўшилиб кетаётган ёшлар ҳакида кўп гапирилаяпти. Бизнингча, бунинг сабаби ёшларда онгнинг юксак даражада шаклланмаганилиги, дин ва сиёсатнинг фарқига бормасликлири, атрофда кечеётган воқеа ва ходисаларга бўлган муносабатларида аниқ нуқтаи назарнинг ўқлигидир. Кўркмасдан айтиш мумкинки, ёшлар мактабда математика факултетида оғизларнинг математика факултетига кирадиганлар сони кескин камайиб кетди. Бунинг оқибатида кўплаб мактабларда математика ўқитувчилари етишмайтири. Агар биз келажакда ўз мамлакатимизни АҚШ, Япония, Германия каби ривожланган давлатлар сафида кўриши иштасак, математика фанига муносабатни яхшилашимиз лозим.

Н.ЗОКИРОВ,
Тошкент Давлат
иқтисодиёт
университети профессори

бўлмоқдаки, замонавий мутахассисларнинг тайёргарлигига юқори талаблар кўймоқда. Айни кунда шу нарса аён

лумотли мутахассисларнинг тайёргарлигига юқори талаблар кўймоқда. Айни кунда шу нарса аён

Пойтахтимиздаги Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги колледжа бу борада анча тажриба тўпланган. Бу ерда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга, уларда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришга, ўз она-Ватанига, халқига содик инсонлар қилиб тарбиялашга ҳам катта эътибор берилаяпти.

ТАЛАБАЛАР ФОРМАСИ КЕРАК

Марғилонга йўлум тушганда, ёз кунлари эди. Шаҳарда айланниб юриб, бир тўда мактаб ўкувчиларига кўзим тушди. Ўғил болалар оқ яктак, қора шим, белларига қизил хон атласдан белбоғ (кийик) боғлашган, бошларида марғилонга дўппи. Кизлари эса хон атлас кўйлак устидан оқ фартук, бошларида кизлар киядингани дўппи, сочлари майда ўрилиб, орқага ташланган. Уларни кўрган кўз кувонади. Ахир, бу мустақилларига шарофати эмасми? Улар нафақат Марғилон шахрини, бутун юртимизнинг либосларини кўз-кўз қилиб юришгандай. Бутун олам кўзимга бошкча кўриниб кетди. Бир менда эмас, шу ҳолатни кўрган ҳар бир кишида ҳам шундай тифулиши мумкин.

Кейин билсан, шаҳардаги кўпгина мактабларда шундай ўкувчилар формалари ташкил қилинган экан. Бунга ҳомийлик қилган ташкилот раҳбарларига балли, отасига раҳмат дегим келди.

Тошкент шаҳридаги кўпгина мактаблар, лицейлар, касб-хунар мактабларида ҳам киль этилган. Бирок баллари нимани хоҳла-Ҳар бир олий ўкув

Taklif

тошкент шаҳридаги кўпгина мактаблар, лицейлар, касб-хунар мактабларида ҳам киль этилган. Бирок баллари нимани хоҳла-Ҳар бир олий ўкув

дан келиб чиқиб, талабалар формасини ташкиллаштирадиган пайт келармикан?

Талаба бу формани ўқиши якунлангунча кийиб юради. Ҳозир эса ким ўзарга кийим кийиш авж олган. Қимматбаҳо кийимга сарфлайдиган пулларини эгалайдиган илмга сарф қилишса бўлмасмикан, дея ўйлаб қоламан. Сал бундайроқ кийинган тенгдошлари ва ўқитувчиларини масхара қилиб, камситишларини кўрсангиз эди. Ахир, "мини юбка" кийиб, киндиги, елкаси, кўраги, оёғининг олди ва орқаси очиқ хилма-хил қимматбаҳо кийимлардан кўра, форма минг бор афзал эмасми? Баъзи талаба қизларнинг кийиган кийимидан ўзлари уялмасалар ҳам муаллимлари, ўқитувчи-устозлари уялишади, юзларига қараб олмайди. Қаёқка қараб дарс ўтишни билмай, хижолатда колади. Қани энди билимлари ҳам кийимларига мос бўлса... Билими кийган кийимга умуман мос эмас.

Хулоса шуки, олий ва ўрта махсус ўкув юртларида ҳам ўкувчи-талабалар формаси жорий қилинса, ибратли иш бўларди.

Хусанбой ТОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

2000 йилнинг 12 ойи мобайнида Миробод туманида 134 та ёнғин содир бўлган, ушбу ёнғинларда 4 киши ҳалок бўлиб, 6 киши турли даражадаги кўшиштан жароҳати олганлар.

Ёнғинларнинг асосий сабаблари оловга эътиётсизлик билан муносабатда бўлиш, масти ҳолда сигарета чекиш, носоз ҳолдаги электр анжомларидан фойдаланиши, қаровсиз қолган болаларнинг олов билан ўйнашлари, чиқинди ва хазонларни ёкиш, газ ва электр анжомларидан фойдаланилганда ёнғин хавфсизлиги қоидларига риоя қилмаслиkdir. Юқорида кўрсатилган камчиликлар оқибатида юзага келган ёнғинлардан бир нечтасини мисол қилиб келтирмоқчимиз.

Масалан, 2000 йилнинг деқабр ойида Д.Кунаев кўчаси 29-ўйда ёнғин содир бўлган. Ёнғин натижасида хонадон эгасининг пешона тери билан тошлигидан мол-мулки ёниб кетди.

Суриштирув ишлари олиб борилганда, шу нарса аниқландики, хонадон ёш болаларининг олов билан ўйнашлари оқибатида ёнғин келиб чиқкан. Оқибатда 2 нафар бола ҳаётдан кўз юмишди.

Ҳозирги кунда шаҳримизда Хитойда ишлаб чиқарилаётган пиротехника воситаларидан ёш болаларнинг ўйнашлари ва шиқастланишлари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Болалар пиротехника воситалари билан ўйнаб, тан жароҳати олишмоқда ва кўз аъзолари шиқастланмоқда. Бундай нохушлар кўпроқ мактаб ёшидаги болалар орасида учраётгани афсуслашарнилариди.

Қисқаси, болаларни уйда ёллиз қолдирманг, электр ва газ асбобларини ёкиш ва ишлатишни таъкидланг.

М.МИРЗАҲЎЖАЕВ,
3-ҳарбийлаштирилган
ёнғиндан саклаш
бирикмаси назоратчиси,
ички хизмат лейтенанти



Суратларда: колледж ўқитувчиси Улугбек Бозоров талабаларга "Фуқаролик хукуки" фанидан ўтаётган сабоқлари ҳамиша қизиқарли кечади.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар

ТАЪЛИМДА ТАРБИЯ МУЖАССАМ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз халқ хўжалиги ва иқтисодиётидаги рўй берадиган ўзгаришлар ўтга мъ

лумотли мутахассисларнинг тайёргарлигига юқори талаблар кўймоқда. Айни кунда шу нарса аён



бўлмоқдаки, замонавий мутахассисларнинг тайёргарлигига юқори талаблар кўймоқда. Айни кунда шу нарса аён

Пойтахтимиздаги Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги колледжа бу борада анча тажриба тўпланган. Бу ерда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга, уларда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришга, ўз она-Ватанига, халқига содик инсонлар қилиб тарбиялашга ҳам катта эътибор берилаяпти.

Юрак инсонни бошқаради. Унинг эртао кеч ду-
киллаб уриши, тириклик белгиси. Ва яна шуниси ҳам
борки, бу нозик аъзо инсонда хулқ-атвор, хислатни
тарбиялайди. Айтишларича, ҳар бир инсоннинг юраги,
унинг муштидек катталиқда бўлар экан.

"Мехмонхона" саҳифасига юракнинг нима алоқа-
си бор, деб таажжубланманг. Гап шундаки, Ўзбекистон
халқ рассоми, республика давлат мукофотлари
лауреати, бир қанча фахрий дипломлар соҳиби Кут-
лув Башаров ўз юрагидаги ҳароратни ижодига кўчи-
риб, ҳалқа танилди. Ҳароратки, унинг ҳар қандай
мавзудаги асарига қоришиб кетган. Факат ижод но-
зикликларини юрагидан илғай биладиган кишигина
уша ҳароратни туяди, ҳис қиласди.

Куйида—рассом устахонасидаги сухбатимиз.

— **Фаслар ичидаги қайси бирни сизга ёқади ва
нимада учун?**

— Йил фасллари ичидаги кузнинг гашти ҳам, тафти
ҳам менга бошқача туюлади.

Куз — етилиш фасли. Мантикий жихатдан ўйлаб
кўринг-а, инсоннинг умри ҳам йил фаслларидаги
ўхшайди. Баҳорни тугилишиб оладиган бўлсан, ёз
улғайиш, ўшиш, куз эса етилиш даври. Қиши эса
қариш... Бофларга, дов-дараҳтларга, далаларга қара-
сангиз, ана шу фаслининг теран ҳикматини англай-
сиз. Сарик, нопармон, ним яшил япроқларга қараб
тўймайсиз. Кузнинг хаёлга толдирувчан фасл экан-
лигидан ҳайратга тушаман. Бу фаслининг яна бир фал-
сафий жихати шундаки, киши ўз умрининг ўтаёт-
ганилиги ҳаёла берилади. Ўтган дамларинг
худди кинолента сингари кўз ўнгингда жонлана бош-
лайди. Куз фаслининг ҳароратидан йилнинг бошқа
фасллари учун энергия оламан. Энергия деганим,
илҳом. Чунки мен қиши, баҳор, ёзда куздаги каби
илҳом ва завқ ололмайман.

— **Болалик дамларингизда нималар сизни лол
колдирган?**

— Болаликни эслатманг... Йўқ, бу гапдан сиз рас-
сомнинг болалиги қийинчилик билан ўтган экан,
деган фикрга борманг. Аксинча, менинг энг тотли
"мамлакатим" болалик бўлган.

Тянь-Шань тог ёнбагирларида жойлашган Оқсус
қишлоғидаги зилол сувлар, кўм-кўк яйловлар, ҳай-
кирганда акс-садо берадиган виқорли тоғлар хоти-
рамга шундай жойланганки, қанийди, иложи бўлсан,
эртак қаҳрамони Аловиддиннинг сехрли чироғи
ёрдамида ўша дамларга қайтсан. Афуски, бунинг
иложи йўқ. Хонадонимизда оқ ва қизил отлар бор
эди. От деса, ўзимни томдан ташлардим. Бу жон-
зотлар билан ҳаёлан сухбат куриш, миниб дала-боғ-
ларни кезиши жону дилим эди. Кундуз борми, кечаси
борми, отда сайр қилишга жуда қизиқардим. 20-
25 километрлик масоғадаги пойгаларга қатнашиб,
соврин олганларим ҳам эсимда.

Нимасини айтасиз, ҳаётимнинг энг беғубор дам-
лари отлар куршовида кечди. Отларнинг кишинаши,
шамолдек елиши, яйловларда кўй-кўзиларнинг
ёйилиб ўтлаши, молбоқарларнинг қамчини ҳавода
йўнатиши—ҳамма-ҳаммаси бир дунё ҳайрат эди мен
учун!

Кейинчалик ўша болалик хотираларининг кўз
ўнгимда абадий муҳрланиши ижодимга рамзий бир
майно олиб кирди. Учар отлар менинг севимли об-
разим бўйиб қолди. Ҳамон ҳаёлимда отлар билан дар-
длашаман, уларга миниб, етти қават осмонга уча-
ман. Ҳайроннинг бу тури инсонга қанчалик содик
дўст эканлиги ҳақида ривоятлар, кўшиқ ва эртаклар
бор. Оти учун ўз ёрининг кўнглини ололмаган ий-
гит фарёди ҳақида бир кўшиқ бор. Эшитгандирсиз,
хондана Тошпўлат Маткаримов ижро этган.

— **Ким биландир зиддиятга бордингиз. Ўзин-
гизнинг ҳақлигинизни исботлашга уринасиз-
ми ёки ён босасизми?**

— Кишилик жамиятидаги энг мураккаб ҳолат —
инсонлар орасидаги яхши-ёмон муносабатлардир.
Бу табиий, кимдир сизни ёқлади, кимдир сиз би-
лан зиддиятга боради. Лекин ҳар қандай вазиятда
ҳеч ким ўзини ноҳақ ҳисобламайди. Мен англаб ет-
ган фалсафалардан бири шудир.

Тасвирий санъатнинг ранг-тасвир, графика, ҳай-
калтарошлиқ каби турлари бор. Ижод майдони жуда
кенг, мўйқалам соҳиблари ҳам мўл. Графика соҳа-

сига айрим ҳамкасларимизнинг паст назар билан
қарашларидан хунобим ошади. Уларнинг назарида оқ-
кора, куюқ тасвир билан ҳаётни тўлақонли кўрсатиш,
чизиш қийин эмиш. Бўлмаган гап дейман. Графика оқ-
кора бўлгани билан унинг зиммасига юкланган мақсад
бафоят катта. Китоб графикасини олинг. Ахир уни ранг-
тасвир билан безата олмайсиз-ку!

Умуман, табиатан эхтиросга берилувчанигим, ўз
фиркимда собит туришим билан ҳақлигимни исботлай-
ман. Бу, менимча, ҳар бир ижодкорга хос хислат бўлса
керак.

— **Битта асарнинг дунёга келиши учун қанча ва-
китнинг кетади? Ижодингиздаги асарларни сара-
лаб, туркумга ажратганимисиз? Етакчи мавзунингиз
нума?**

— Бисотимда минглаб асарлар бор, бари номлан-
ган. Манзаралар, сиймолар ва туркум мавзулар. Рас-
сом зоти шундай ҳолатга абадул-абад маҳкум: ўтириб
бир лаҳзада чизади. "Туғилажак" асари устида бир ой
ишлайди. Айримлари уни бир неча ой қийнайди. Баъ-
зи йирик асарларнинг дунёга келиши учун ҳаттоқи
бир-икки йил ҳам камлик қиласди. Бинобарин, лаҳзада
битадиган асар билан бир йилда яратиладиган карти-
нанинг фарқи бор. Бу фарқ шакл, ҳаракат, ғоя ва муд-
датида сезилади. Композиция ва сюжетни яхши бил-
ган мўйқалам соҳиби йирик асар устида ишлаганди, қийналади. Аёл фарзанд дунёга келтириш учун тўлғоқ
азобида қанчалик қийналас, рассом ҳам деярли шундай
ҳолатни бошдан кечиради.

Ижод намуналарим аралаш-қуралаш эмас. Ягона мав-
зудаги асарлар, албатта, бундан мустасно. Туркумлар-
га ажратилган суратлар катта галереяни ташкил қиласди.
"Менинг ўзбекистоним", "Ўзбекистонда куз", "Одам-
га тинчлик", "Буюк ишак ўйлидаги менинг аждодларим",
"Менинг аждодларим", "Навоий даҳоси" ва ҳоказо. Ана
шу мавзуларга кириб олишида ҳаётий фалсафа, кетма-
кетлик устун туради. Туркумларнинг ҳар бири камиди
3-4 ҳолатни ёки манзарани ўз ичига олган.

Кутлуг БАШАРОВ :

«ЮРАК ВА ИЖОД ҮЙГУНДИР!»

Етакчи мавзум — инсонлар қалбидаги ҳарорат, майин
бир ифода. Ҳар бир асаримда ана шу туйғу бўртган ҳолда
қўринганди. Ўйлайман, кишилик ҳаётидаги бундай кечин-
малаларнинг катта аҳамияти бор. Қайси даврни олиб
қараманг, илик бир муносабат, самимилик, хушумо-
маллик одамлар ҳаётига мазмун олиб кирган.

— **Ёш ижодкорлар орасида эълон килингандан "Мен
нечун севаман ўзбекистонни?" шиори остидаги
танловга муносабатингиз?**

— Бу танлов ҳам ўйлайманки, мустақилликни мус-
таҳкамлашга хисса қўшади. Ўзбекистон мустақиллиги
йилларида Ватан деган олий туйғунинг қадри беҳад
ошди. Шунисидан хурсандманки, ҳали биз билмаган
истеъоддли ёшлар бундай танловларда аниқланади.

Графика соҳасидаги танлов голибларига менинг ҳам
"Учар от" номли асаримни соврин сифатида белгилаш-
ди. Буни кутмагандим. "Учар от" — ўзим қониқадиган
асарлардан бири. Унда от, йигит ва киз тасвирланган.
Бошқа таърифда, севги саргузашти. Севишганларни
от узоқ-узоқларга елдириб кетмоқда. Манзил эса
йирок...

— **Ҳаётнинг пайдо бўлиши тўрт унсур — тупроқ,
хаво, сув, олов билан боғлиқ. Ана шу тўрт унсур
ҳар бир соҳада кўзга ташланади, жумладан, тас-
вирий санъатда ҳам. Тъайир жоиз бўлса, улар ҳаёт
давом этишининг бирламчи шартларидир. Тасвирий
санъатнинг илк намуналари вуҳудга келган
Миср, Юнонистон, Италия каби давлатлар кўхна
санъати ҳамон одамзотни ҳайратга солади. Мар-
казий Осиёда ижоднинг бу тури қайси даврлар-
дан бошлаб таркиб топган?**

— Бизда одат бор. Қаेरга бормайлик, мўъжиза ахта-
рамиз. Сиз Миср, Италияни айтасиз. Ахир, ўзимиздан
Афросиёб топилмалари, Далварзинтепа ёдгорлик-
лари улардан ҳам аввалги даврга бориб тақалади-ку!
Девордаги тасвирлар, ёзувлар бой тарихимиздан ни-
шона-ку! Ёки яқин ўтмишизмизнинг тарихий обидала-
ри — Самарканд, Бухоро, Хива, Шахрисабзидаги кўкўпар
миноралар... Ёзувлар, тасвирлар, нақшлар, ахир була-
том мъянодаги санъат дурдоналари-ку. Камолиддин
Беҳзод миниатюралари қайси давлат рассоминиидан
кам?

Бу тилсимотлар энди-энди очилмоқда. Минг-минг
ишилик тарих саҳифаларини, албатта, қандай бўлса,
шундайлигига вараклаш осон кечмайди. Лекин шунга
аминман, нафақат тасвирий санъат, балки бошқа соҳа-
ларда ҳам Марказий Осиё бирорта давлатдан қолиш-
майди. Факат унинг бағридаги бойликларни тўплаш-
ва асрар-авайлаш керак.

— **Кизингиз Ферузаҳон сизнинг изингиздан бор-
моқда. Айтинг-чи, унинг графика соҳасидаги асар-
ларида сиз эътироф этадиган хусусиятлар бор-
ми?**

— Факат қизим Феруза эмас, балки фарзандларим
Жонпўлат ва Лайло ҳам мендан рассомчилик сир-ас-
рорларини ўрганишди, ўрганишмоқда. Бундан кўнглим

Мехмонхона



тўқ. Феруза иллюстрацияга деярли сингишиб кетди. Китоб графикасида унга энди устозлик қилишимин ҳожати ҳам қолмади. Жонпўлат эса тасвирий санъатнинг ранг-тасвирида ҳам, графикасида ҳам, портрет жанрида ҳам, натюромортида ҳам ўз қобилиятини синаф кўрди. Чиройли чизади, мўйқалам ўзига эгилмагунча, қўймайди. Бу нозик қалам билан унчамунча одам сирлашолмайди.

— **Ўзбекистон Бадиий Академияси юртимиз
мустақиллиги маҳсулидир. Академия ижодкор-
ларгагина хизмат қилаётгандек туюлади. Унинг
оммавийлигини таъминлаш учун, сизнингча, ни-
малар қилиши керак?**

— Ўзбекистон Бадиий Академиясининг буғунги
фаолиятида асосан ютуқларни кўраман. Тўғри, ил-
гари у аралаш-қуралаш фаолият юритган. Ҳозир
унинг вазифаси аниқ: ҳалқимизда бадиий дидни тар-
биялаш. Шу мақсадда ҳар йили 30-40 та кўргазма,
турли танловлар, учрашувлар, анжуманлар ўткази-
ляпти. Аудитория эса ҳаддан ташқари кенг. Унинг
вилоят бўлимлари ҳам мавжуд. Оммавий ахборот во-
ситалари билан узвий алоқанинг йўлга қўйилгани
нур устига нур. Тўғри, сиз таърифлаганингиздек,
ҳали академия ҳаётига бутун оммага тўлалигича етиб
бормаяпти. Ўйлайманки, ўз ривожланиш йўлидан бо-
раётган мамлакатимизда қаҷондир бунга ҳам эриши-
лади.

— **Ўз ижод намуналаринингизни илк бор кўргаз-
мага қўйган кун эсингиздадир...**

— Илк кўргазмам 1958 йилда Тошкентда ташкил қилинган. Ушанда "Медицина" нашриётида бош рас-
сом эдим. Бутун диккат-эътиборим ана шу мавзуга
қаратилгани учун образли тасвирлар мухлисларга
манзур бўлди. Ушандан кейин жами 2000 тача тур-
кум асарлар яратдим. 80 дан ортиқ мамлакатда асар-
ларим бор. Хорижий давлатлардан келган меҳмон-
лар устахонамдаги асарларни қўриб, буюртма бе-
ришади. Шунисидан хурсандманки, Ўзбекистон
ҳақида, унинг ижодкорлари ҳақида дунё билияти,
эшитяпти, кўрятти.

— **Ҳар ким рассом, ҳар ким шоир бўлолмайди.
Оллоҳ томонидан берилган истеъоддонинг
учкуни меҳнат билан алангаланади. Бунга ўз
ижодингизда икrorlik тўйғанимисиз?**

— Бу ҳаётда ўз тасдигини топган фикр. Ўз ижод-
дим, ҳаётим мисолида бунга юз карра икrorlik тўй-
ғанман.

— **Шогирдларингиз бўлса керак. Сиз уларга
нима бера олдингиз?**

— Тошкент Санъат институтидан ажralib чиқкан
миллий рассомлик ва дизайн институтида 1975 йил-
дан бери ишлаб келаётган бўлсан, ҳар йили 5-6
нафар талабанинг диплом ишларига раҳбарлик қилас-
ман. Демак, мен

Азиз ҳамкаслар! Баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизимида ўтганимиздан сўнг ҳар чоракда ўқувчилар билимини баҳолашда тест топширикларидан фойдаланиш етакчи ўринга чиқди. Бизда қийинчилик туғилди — негаки қўлимизда чораклик тестлар тўплами ёки қўшимча тестлар йўқ. Мактабимизда шундай анъана бошладик — ҳар бир ўқитувчида “тестлар банки” дафтари тутилди ва оралык, якунний назорат учун олинадиган тестлар шу дафтарга итегилмокта. 11-синфда III чоракда Fafur Fulom, A. Қаҳхор ижоди ўрганилишини ҳисобга олган ҳолда шу мавзудаги тест намуналарини Сизлар билан ўртоқлашмоқчимиз. Тестларнинг калитини газетамизнинг келгуси сонларида эълон қилсан. Мақсад — топширикларни ўқувчиларингиз билан ечиб кўринг, жавобларни мактуб орқали таҳририята йўлланг, голибларни аниқлайлик. Иккинчидан, қайси тест нотўғри топилган бўлса, тўғри жавобни изоҳлаб берайлик.

Тест тузишда асосан 11-синф учун тузишган “ХХ аср ўзбек адабиёти” (мажмуя)дан фойдаландик. Сабаби, куруқ саналарга асосланган тестлар фойдали эмас. Ўқувчи мажмуани, асарлардан берилган парчаларни синчилаб ўқишга, мушоҳада юритишига, мантиқий фикрлашга ўргансин. Ўз навбатида, Сиз устозлар ҳам тестларнингизни йўлласангиз, тажриба алмашсак, бир-бири миздан ўргансак. Факат тестлар ўта мураккаб бўлмаса, чунки бу топшириклар ўқувчиларимиз учунлигини унутмасак фойдали бўларди.

11-синфлар учун адабиётдан III чоракка мўлжалланган тест топшириклари (оралык назорат учун)

1. “Филдай чўнг, чинордай чайир, чидамлийликда қайроқтош, би-

Е. “Сен етим эмассан” — 1945 йилда.

5. “Ҳеч ким йўқ вақтда “мулла ака” ёки “Шарифжон ака” деб чакирсаларинг бўлаверади” деб ким айтган эди?

6. “Шум бола” қисса-сидаги ўлик боғланган арқон нима учун узилиб кетди?

7. Омон нима учун ўзидан кетиб қолди? (“Шум бола”)

8. Шум бола хўқиз деб ўйлаб эшакнинг бўғзига нима деб пичоқ тортиб юборади?

9. Fafur Fulom қайси китоби учун қаҷон Давлат мукофотига сазовор бўлган?

10. Шум бола — 1963 йилда.
Б. “Мен Шарқдан келаётирман” — 1946 йилда.
С. “Шум бола” — 1938 йилда.
Д. Фалсафий шеърлари учун — 1965 йилда.

А. Муҳаммад Шариф Гулхани.

Б. Мулламуҳаммад Шариф.

С. “Шум бола”даги домла.

Д. Тўғри жавоб берилмаган.

Е. В ва С жавоблар тўғри

11. “Қаерга борсам, келгиндиман. Болалар ўйнинг кўшмайди” деб

А. Қаландаровнинг жия-

O'qituvchiga yordam

Д. Тилига ҳеч бир калима келмайди.

Е. Қисқагина “Бисмилло” деб.

9. “Қозондаги ҳар бир мошининг кўз очиши менинг кўз очишим билан баробар эди” Ушбу жумла қайси асардан ва кимга тегишили?

А. “Кўр кўзининг очилиши” — Кўрбоши.

В. “Шум бола” — қисса қархомони.

С. “Даҳшат” — Унсин.

Д. “Жаҳолат ҳақида ривоят” — кўр кўзи очилган басир.

10. Оломон нима учун Шум болани тошбўрон килиб ўлдирмади?

А. Тутқаноқ касали бор деб ўйлаганлари учун.

Б. Амир қассобнинг йўқолган ўғли деб ўйлаганлари учун.

С. Сазойи қилишнинг ўзи етарли деб.

Д. Калтақдан бехуд бўлиб, “ғий” этиб ўзидан кетиб қолгач.

Е. Ўғри ва қотил эканлиги тасдиқланмагач.

11. “Қаерга борсам, келгиндиман. Болалар ўйнинг кўшмайди” деб

А. Қаландаровнинг жия-

Е. Ш.Бошибеков — “Темир хотин”

15. А. Қаҳхор ўзига кўйилган гоявий, сиёсий ва ноҳақ танқид туфайли қайси асарларини қайтадан ишлади?

А. “Кўшчинор”, “Тобутдан товуш”.

В. “Кўшчинор чироқлари”, “Сўнгги нусхалар”.

С. “Шоҳи сўзана”, “Тобутдан товуш”.

Д. А ва В жавоблар тўғри.

Е. В ва С жавоблар тўғри.

16. “Асрор бобо” хикоясидаги ўғилга Ёдгор исмини ким кўйган эди?

А. Ҳайдар ота.

В. Отаси Асроркул.

С. Уста Мўмин.

Д. Абдумажид.

Е. Онаси шундай ном билан аташларини айтиб жон берган эди.

17. “Ўқитувчининг баҳо кўядиган дафтари”ни ўғирлаб зовурга ташласа, ёнида ўтирган боланинг чўнтағига сиёҳ кўйса” деб Саида ким ҳақида гапиради?

А. Қаландаровнинг жия-

СУВ ҲАҚИДА ИНШОЛАР ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ



Ордени Қўтилдинг ҳақида фонди
GEF агентлиги
В Компанияни
Ўзбекистон миллӣ ишчи гурӯҳи

Яратилган барча жонлию жонсиз маҳлуқотнинг энг азизи, энг мукаррами ўла-рок Инсон олам уйғунлигининг марказида туради. Дунёдаги барча неъматлар у учундир. Нарса ва ҳодисалар мувозанати инсон билан боғлиқ. Мўъжизавий неъматлардан бири — сув. Унга муносабат бугун қайаҳволда?

Сувни тежаш ва тоза асраш, унга ақл билан муносабатда бўлиш каби кўникмаларини ёшлар онгида шакллантириш мақсадида ўзига хос танлов ташкил қилинган эди. Оролни асраш ҳалқаро жамғармаси GEF Агентлиги Ўзбекистон миллӣ ишчи гурӯҳи Ҳалқ таълими вазирлиги билан ҳамкорлиқда ташкил қиласан “Мен—Отам—Бобом (Мен—Онам—Момом) — сувнинг аҳамияти ҳақида” мавзуидаги бу иншолар танлови ниҳоясига етди. Танловда 40 дан ортиқ болалар ота-оналари, бобо-момолари ёрдамида ёзган иншолари билан иштирок этишди. Уларда сув, уни асраб-авайлаш, тежаб-тергашнинг аҳамияти ҳақида ги самимий фикр-мулоҳаза, таклифлар билдирилган.

Танлов ҳакамлар ҳайъати барча ижодий ишларни синчилаб кўриб чиқиб, баҳолади ва қуйидаги ўқувчиларни голиб деб топди.

I ўрин

1. Оқила Худойназарова, Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 16-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

2. Мадинахон Ҳошимова, Фарғона вилояти Бағдод туманидаги иқтисодиёт гимназиясининг 8-синф ўқувчиси.

3. Чинорой Эркабоева, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 3-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

II ўрин

1. Дилдора Ҳотамова, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 24-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

2. СарвинозFaфурова, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 102-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

3. Наргиза Исҳоқова, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 313-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

III ўрин

1. Моҳира Собирова, Хоразм вилояти Шовот туманидаги 8-ўрта мактаб ўқувчи.

2. Умида Барноева, Бухоро шаҳри Ф.Хўжаев туманидаги 15-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

3. Шаҳноза Қодирова, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 1-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари

1. Бодомгул Ҳўжакелдиева, Жиззах вилояти Янгибод туманидаги 1-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

2. Гулжоҳон Намозова, Навоий шаҳридаги 8-ўрта мактаб 9-синф ўқувчиси.

3. Наргиза Отамирзаева, Заркент иқтидорли болалар мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси.

4. Шаҳноза Қобулова, Урганч шаҳридаги 21-максус мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

5. Малоҳат Эрхонова, Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 19-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

6. Дилноза Отажонова, Хоразм вилояти Шовот туманидаги 3-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Голибларни тақдирлаш маросими реjalаштирилмоқда. Бу ҳақда газетамида эълон берамиз. Уларнинг иншоларини мунтазам ёритиб берамиз.

ИМОМ ДОРАМИЙ ЖИМ ЭДИ?

Мустақиллик туфайли ўтишда ижод қилган кўплаб олимуму уламолар, алломаларимиз номлари қайта тикланди. Уларга атаб жойларда зиёратгоҳлар барпо этилди. Хусусан, ўтган йили ноябрь ойида Тайлоқ туманида Имом ад-Дорамий ас-Самарқандий ҳазратлари атаб ҳам зиёратгоҳ барпо этилди. Хўш, Имом Дорамий ким эди? Биз бу ватандoshimiz ҳақида нималарни биламиш? Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўйими катта илмий ходими Комилхон Каттаев билан сұхбатимиз шу хусусда кечди.

— Имом Дорамийнинг тўлиқ номлари Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон; куниси — Абу Муҳаммад; тахаллуси — ад-Дорамий ас-Самарқандий бўлиб, 181 хижрий (мил. 798) йили Самарқанднинг қадимий Дорам номли мавзеида таваллуд топган.

Имом Абу Муҳаммад Дорамий ёшлиқ вақтларидан бошлаб ислом фикшунослиги ва ҳадисшунослиги билан машғул бўлган. Аввало, маърифатли оила-да, сўнгра эса Самарқанднинг машҳур олим фузалолар кўлларида таҳсил кўради. Орадан маълум муддат ўтгач, ёш Дорамий ҳадисшунослик илмига буткул ихлос кўяди. Устозларидан олган билимларини бойитиш, мустаҳкамлаш максадида ислом оламининг Макка ва Мадина, Мисру Шом, Боддоду Хурросон каби марказий шаҳарларида турли олимлардан сабоқ ҳам олади.

Имом Дорамий кўп асрлар ёзган бўлса-да уни дунёга машҳур этган асари "Муснад" номли ҳадислар тўплами китобидир. Буни илим оламида яна "Муснади Дорамий", "Ал-Муснад" ёки "Дорамий суннатлари" деб ҳам аташади. Китобнинг эътиборли томони шундаки, ушбу тўплам минглаб ҳадисшунослар ёзган китоблар орасида "Саҳихи сittah" деб аталмиш бу энг саҳих, яни ишончли тўпламлардан кейинги дараҷада турди.

Ҳадисшунослик соҳасидаги манбаларга қараганда, Имом Дорамий Имом Бухорийнинг устозларидан ҳисобланади. Маълумки, имом Бухорий 16 ёшлиқларида билим олиш мақсадида Бухородан чиқиб кетади ва 42 йилдан кейингида қайтиб келади. Имом Дорамий Бухорийдан 13 ёш катта бўлган. Ушбу икки имом ёшлиқ пайтларida ватанларида ёхуд арабу ажам юртларида учрашганларидан қатъий назар, Имом Дорамий Ал-Бухорийнинг дастлабки устозларидан саналган. Бу маълумотлардан воқиф бўлган одамларда атиги 13 ёшгина катта бўлган Дорамий қандай қилиб Бухорийга устоз бўлиши мумкин, деган шубҳалар уйгониши мумкин. Ваҳоланки, илим бобида устознинг катта-кичиги бўлмайди. Имом Дорамий хижрий 255 (869) йилда 74 ёшларида вафот

этдилар. Кизиги шундаки, роса 42 йил сафарда юрган Имом Бухорий устози вафотидан ярим йил олдин ўз ватанларига қайтиб келадилар.

Охири давр ёзишмаларида, Имом Дорамийнинг номлари гоҳо "Дорамий", баъзида "Доримий" ва "Дорамий" каби ёзилиши учналик аҳамият касб этмаса-да, баъзи маълумотларда бир-бирига зид фикрлар мавжудлиги кўринмоқда. Лекин Дорамийга оид асосий чалкашлар унинг дағи этилган мавзенинг қаердаги атрофида рўй бермоқда.

Муқаммал маълумотга эга бўлган тарихчи олимларимиздан бири XIX асрда Самарқандда яшаб ижод этган Қози Калом — Абу Тоҳирхожаи Самарқандийнинг энг саҳих тарихий асари ҳисобланган "Самария" китобида бу ҳақда шундай дейилади: "Файз асарли Шайх Абдураҳмон Дорамийнинг мозори Шовдор туманидаги Испандий мавзеъида воқеъдур". Яъни ҳозирги Тайлоқ туманидаги "Испандий" қишлоғида жойлашганлиги назарда тутиб айтилади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳозирги Ургут туманида ҳам "Испандиза" деган мавзе мавжуд бўлиб, бунинг имом Дорамийга умуман алоқаси йўқдир. Чунки у ерда бирон бир ҳадисшунос олим яшаб ижод этмаган. Шу маънода Тайлоқ туманидаги Испандий қишлоғида ҳозир ҳам "Абдураҳмон ота" номли муқаддас зиёратгоҳ — қабристон мавжудлиги бизларга аввалдан ҳам маълум эди. Демак, шак-шубҳасиз, ўзбеклар "Абдураҳмон ота" деб атайдиган мозор — Абдураҳмон Дорамийнинг мозорларидир.

Кейинги вақтларда турли араб мамлакатларида "Имом Дорамийнинг қабрлари Чокардизададир", деган чалкаш тарихлар бизларни ғалғитмаслиги лозим. Негаким, ўзга юртлардаги тарихнависларга нисбатан Абу Тоҳирхожага ўхшаш ўз юртимизни муқаммал билган тарихчи олимларимизнинг ёзишмалари биз учун ишончли манба бўлиши керак. Чунки ўша даврда Абу Тоҳирхожани қози қалонлик ва муфтийлик мансабига тайинлашгани бежиз эмас. Бу мансабларга ислом фикшунослиги, ҳадисшунослигини муқаммал билган кишиларгина омма томонидан сайланган. Демак, Тоҳирхожа ўз соҳасида она юрти тарихини ёзишда адашиши мумкин эмас. Шу маънода айтиш мумкини, биз Чокардизададир. Қабристонининг қанчалик буюк зиёратгоҳ эканлигини биламиш.

Шундай экан энди бироз ўйлаб кўрайлик! IX асрнинг учинчи чорагида, аниқроғи 869 йилда вафот этган имом Дорамий қандай қилиб, ҳали қабристонга айланмаган боғда кўмилиши мумкин? Ахир, бу вақтда боғнинг эгаси ва у ерда биринчи бўлиб кўмилган Ҳожа Абу Исҳоқ ибн Иброҳим Самосий ёш ийигит бўлиб, ҳали унинг бо-

ғида ҳеч ким кўмилмаган бўлган.

Баъзи ўзга юрт тарихнавис олимлари бевосита адашиб, ислом оламида Чокардизададир энг улуг ҳамда муқаддас қабристон ҳисоблангани боис, Имом Дорамий ҳам Самарқанднинг ушбу машҳур қабристонидан ўзга, яна қаерда кўмилиши мумкин. Шундай экан, биз тўғри маълумотларга таянган ҳолда айтишимиз мумкини, имом Дорамийнинг қабрлари, шубҳасиз Тайлоқ тумани худудидадир.

Манбаларда имомнинг "Дорам" қишлоғида туғилганилиги ва шу жиҳатдан Дорам тахаллусини олганлиги маълум. Шу маънода мусулмон урф-одатига кўра, айниқса, олимуму уламоларда ўз қишлоғида, отабобоси ёнида кўмилиши иштиёқи кучли бўлган. Демак, Испандий мавзенинг қадимий номи Дорам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасдир. Биз буни юкорида ҳам гапириб ўтдик.

Баъзи тайлоқлик маҳаллий аҳоли орасида Испандий мавзенинг қадимда "Исфандорам" деб атаганликлари тўғрисида қатор нақлларни аҳли дошишлар бир сұхбатда айтишган эди.

Комилхон Каттаев билан кечган сұхбатимиз якунлангач, мен Имом Дорамий зиёратгоҳига ошиқдим. У ерда бўлганимда, аввало Дорамий мақбараларининг руҳи покларига Куръон тиловат килдик. Шундан сўнг мақбарани зиёрт қиласканман, маҳаллий оқсоқолларнинг накл ва ривоятларида айтилгани каби ҳақиқатан ҳам қабр хонақоҳнинг бир томонида асрлар оша "зирк" номли ўсимлик ўсиб ётганлигига гувоҳ бўлдим. Қабрнинг оёқ томонида эса суви кури-майдиган катта чашма — ҳовуз мавжуддир. Ундан сув ҳамма вақт ариклардан оқиб чиқса-да, бир зайлда тўлиб турди.

Дарвоқе, К.Каттаев сұхбатимиз нюхоясида зиёратгоҳда мачит, катта айвон ва кутубхона йўқлиги, аниқроғи ҳали курилмаганлигини айтигандилар. Бориб кўрганимизда ҳам бунга амин бўлдик. Лекин ишона-мизки, бу келгусида давом эттирилажак иш. Чунки сұхбатдошимизнинг берган маълумотларига қараганда 2002 йилда имом Дорамийга атаб кўплаб чет эл мутахассислари, шунингдек, юртимизнинг кўзга кўринган олимлари билан биргаликда йирик ҳалқаро анжуман ўтказилиши мўлжалланмоқда. Умид қиламизки, бўлаҗак катта конференция олдидан Дорамий зиёратгоҳида яна бир хайрли ўзгаришлар бўлиши, бу ташаббус эса келажак авлодга унтилласи-мас, абадий мерос вазифасини ўтши шубҳасиз.

Бехбуд БОТИРОВ
ёзиг олди

ИССИКЛИК ҲОДИСАЛАРИ

Янги дастурда "Иссиқлик ҳодисалари ҳақида Форобий, Беруний ва Ибн Синоларнинг фикрлари", деган маҳсус бўлим ажратилган (6 соат).

Дастурнинг ана шу булими ўрганилган вақтда, Абу Наср Форобий (872-950)нинг кўйидаги фикрларини уқувчиларга эслатиб ўтиш лозим.

Форобий — "Иссиқлик — ҳаракат баробаринда мавжут

нок маълум. Бирок сувнинг иссиқликдан кенгайиб, совукликдан торайишидаги алоҳида хусусияти ва унинг сабаблари анча кейинроққа, яъни Беруний билан Ибн Синога келиб тақалади. Беруний сувнинг совукликдан музлаши натижасида унинг ҳажми тораймасдан, аксинча, кенгайишини кузатади ва бу масалада Ибн Синонинг фикрини билиш учун унга қўйидаги савол билан мурожаат қиласи:

"Агар жисмлар иссиқлик сабаби кенгайса ва совуклик ту-

атланмайди. Уз фикрини тасдиқлаш учун яна ушбу савол билан Ибн Синога мурожаат этади:

"Нима учун муз сув юзида бўлади, ҳолбуки муз совуклик сабабли қотгани учун Ер табиига яқинроқ эди-ку?"

Ибн Сино Берунийнинг бу саволига:

"Сув музлаган вақтда сувда ҳаво бўлаклари қамалиб қолиб, музни сув тубига чўкишдан саклаб қолади", деб жавоб қайтади.

Ибн Сино узининг ана шу

да ўлчайди.

Беруний ҳисоби:

Булоқ суви I. Қайноқ сув 0,959.

Эриб турган сув 0,965. Денгиз суви 1,14.

Берунийнинг бу ажойиб илмий текширишлари, ундан 600 йил кейин машҳур Италия олими Г.Галилейнинг тажрибалида қайтирилиб исботланганлигини эсланг!

Ибн Синонинг жавобларида айрим ноаниқликлар, кейинчалик унинг узи томонидан "Курозай табииёт" деган асари

турлича ўзгаришлар сабабли ёмғир, қор ва дўлга айланышлари юз беради, деб изоҳлайдилар.

Ибн Сино ўзининг физика китобида ердан кутарилган сув буғлари совуклик туғайли булатларга айланади, тог тепаларида ҳароратнинг пастлиги натижасида янада қуоқлашиб (зичлашиб) қор, ёмғир ва дўлга айланади, қор, ёмғир ва дўлнинг пайдо булиши эса, ҳароратнинг юкори ва пастлик даражасига боғ

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БЕҚИЁС КАШФИЁТЛАРИ

дир", деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ҳар қандай жисмнинг ҳарорати юқори ёки паст булиши, шу жисмни ташкил қилган бўлакларнинг ҳаракатларига боғлиқдир.

Форобий ҳам, Ибн Сино ҳам кизиган жисмлар ҳажмаларининг кенгайиши натижасида зичликлари камайиб, ўзининг табиий ўрнига интилади. Совуган вақтда эса, ҳажми кичрайиб, зичлик ортиши ҳисобига пастга интилади, яъни ўзининг табиий ўрнига интилади, деб қарайдилар. Бу ҳодисаларни ҳозирги атамаларда конвекция ҳодисаси деб изоҳланади.

Жисмларнинг иссиқликдан кенгайиб, совукликдан торайишилари ҳақидаги ту-

жавобларида Арастунинг таълимотига сунянади. Беруний Ибн Синонинг жавобларига эътироз билдириб:

"Агар кўза ички томонга қараб синганида эди, у ҳолда айтланганлар тўғри бўлур эди. Лекин ҳақиқатни бунга қарама-қарши келиши равшандир. Мен идиши ташқарига қараб синишини кузатганиман. Шундай қилиб идишнинг ҳажми ичдагидек эмаслигидан гувоҳлик беради", дейди.

Беруний музнинг сув юзида булиш сабабини, сув музлаган вақтда ҳажмнинг кенгайиши сабабли зичлиги камайди ва бино-барин ўз ҳажмига баробар сувнинг оғирлигига нисбатан енгиллашганлиги сабабли музнинг сув юзида булишини илмий асосда изоҳлайди.

Беруний сувнинг 5 хил ҳолатидаги зичлигини тажриба асоси-

да тўлдирилиб тузатилади.

БЕРУНИЙ, ИБН СИНО ВА ЧАГМИНИЙ ЁМФИР, ҚОР ВА ДЎЛНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

Беруний ва Ибн Сино Ернинг турли иклиmlарida обҳавонинг турли булиш сабабларини Ер шаклининг думалоқлиги, яъни шарсимон бўлганилиги сабабли Қуёш нури тик ёки ётиқ қияланиб тушади, деб изоҳлайдилар.

Бундан ташқари Беруний, Ибн Сино ва Чагминий атмосферанинг турли баландликларидан (масалан, тог тепаликларидан) ҳароратнинг пасайишига кура атмосферадаги сув буғлари ҳажмининг совукликдан, шунингдек, турлича ҳароратда

лик деб тушунтиради. Ибн Сино дўлнинг кўпроқ баҳор ва куз фаслларидан булишини эслатиб ўтади.

Умар Чагминийнинг (XII-XIII аср) об-ҳаво ҳақидаги хуносалари ҳам Беруний ва Ибн Сино қараш

Ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг энг сўнгги ютуқларига асосланган, иктисодий назариянинг ҳозирги ривожланиш қонуниятларини ўзида мужассамлаштирган. "Иктисодий назария" дарслиги ни яратиш ҳозирги замон тақозоси эди.

Бўтун жамоатчилик кўпдан бери кутган ана шундай дарслик Россия ва Ўзбекистоннинг кўзга кўринган, машҳур иктиносиди олимлари томонидан "Экономическая теория" номи билан яратилди ва академиклар В.И.Видягин, Г.П.Журавлева, С.С.Гуломов, М.Ш.Шарифхўжаев, К.Х.Абдураҳмоновлар иммий таҳрири остида Тошкентдаги "Шарк" нашриётида чоп этилди.

Дарсликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда иктиносиди назария муаммоларини баён қилишда эскириб қолган, ҳозирги замон талабига тўла жавоб берга олмаётган эски тушунча ва ёндашувлардан бутунлай воз кечилган ва иктиносиди жараёнлар жамиятнинг индустриал тараққиёт даражаси асосида баён қилинган. Бу эса иктиносиди назариянинг тубдан янги структурасини яратиш ва шу асосда иктиносиди назария масалаларини ёритишга имкон берган.

Демак, янги иктиносиди назария дарслиги жаҳон иктиносиди тараққиётни назарияси ва амалиёти ютуқларига асосланган. Иктиносиди назарияни ўқитишининг янгича услуги яратилган. Унда бозор ва бозор механизми муаммоларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Дарсликда ҳозирги ва ўтмишдаги иктиносиди қарашларнинг турли-туман йўналишлари микроиктиносидиёт, макроиктиносидиёт ва жаҳон хўжалигидаги иктиносиди ҳодисалар ва жараёнлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлилий баён қилинган.

Янги "Иктиносиди назария" дарслиги аввалида дарслик ва ўкув кўйланмаларида кўзда тутилмаган янги мавзулар, жумладан, "Уй хўжалиги янги иктиносидиётни: бозор иктиносидиётни регионал иктиносиди сиёсат", "Мамлакат иктиносиди хавфсизлиги" мавзуларига кенг

ўрин берилган.

Дарсликнинг афзаллик томонларидан яна бири шундаки, унда ҳар бир бобдаги асосий тушунчалар ва терминлар, ўз-ўзини назорат қилиш саволлари, ҳар бир бобда кўриладиган масалалар, энг муҳим асосий тушунча ва терминларнинг таърифи маҳсус ажратиб кўрсатилган.

Янги дарсликда Ўзбекистон иктиносидиётни ва унинг ўзига хос хусусияти, бозор иктиносидиётни ўтишнинг "ўзбек модели", Ўзбекистоннинг буюк давлатга алланиши, жаҳондаги ривожланган давлатлар даражасига этиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд эканлиги ва бу имкониятлар рўёбга чиқишидаги муаммоларга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, дарсликда жамиятнинг циклик ривожланиши, цивилизация алмашиниши назарияси таҳлил қилиниб, Россия ва Ўзбекистон

(ҳозирги ўтиш давридан келиб чиқиб) тахминан 2010 йилда постиндустриал жамиятнинг ўсиб ўтиши мумкинли-

ги асослаб берилган (65 бет). Ёки Ўзбекистонда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати ва бюджет сиёсати Ўзбекистон халқ хўжалигидаги структура ўзгаришлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари билан боғлиқ эканлиги аниқ статистик маълумотлар асосида исботланган (450-452, 498-502 бетлар).

Умуман "Иктиносиди назария" дарслиги кўпдан бери кутилган ҳар томонлама талабга жавоб берувчи фундаментал асар, муҳим дарслик бўлди.

Китоб 5000 нусхада чоп этилган. Бизнинг фикримизча, бундай фундаментал дарсликка эҳтиёж ва талаб анча юкори.

Колаверса, ушбу "Экономическая теория" дарслиги ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп нусхада чоп этилса ҳамда у асосида "Иктиносиди назариядан амалиёт бўйича кўйланма" ҳам яратилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Усмон УМАРОВ,
Термиз Давлат университети профессори**



Қўлимдаги китоб макта букувчи синики. Ҳали босмаҳона хиди анқиб турибди. Номи

"Кундалик дафтардан саҳифалар". Муаллиф — Қорақалпогистоннинг Тўртқул туманидаги 30-урта мактабнинг XI-синф укувчиси.

Муъжазгина китобчага ёзилган сўзбошига "Бола ҳақида ёзиши боланинг ўзига қўйиб беринг" деб сарлавҳа кўйилган. Мактаб укувчиларининг севимили нашри "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири Умид Абдузимова унда, жумладан, шундай дейди: "Нафиса узининг фаоллиги билан "Тонг юлдузи"-нинг Қорақалпогистоннадаги жамоатчи муҳбирига

айланди. Таҳририят ходимлари унинг ҳар бир хатини интизорлик билан кутишади. Чунки Нафисанинг ҳар бир мақоласида юрагимизга тегадиган нимадир бор".

Кундалик дафтардан саҳифалар"ни варақлаб кўрсам, чиндан ҳам шу холоса тўғри экан. Бугунги мактаб укувчисининг муста-

Qutlug' ostona

қил фикрлари, алоҳида, бирбира ухшамаган мавзуларни топа олиши киши диккатини ўзига торатди.

Ватанни ким қандай тушундайди? Тўйгулар ичра энг юксак аслида шудир. Нафиса ҳам Ватанни ўзича талқин қилади ва ёзди, 1999 йилнинг 16 февралидаги воқеа, 2000 йилнинг август ойидаги Сурхондарё талотуплари, юртфурӯшларнинг жасалдари улаксаҳур каби кучада ётишлари Ватан деган

туйгунни унинг юрагида яна ҳам юксалтирган. Юлдуз Усмонова ижро этган "Хеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон" қушиги минглаб юртдошларимиз сингари Нафисанинг ҳам Ватан сарҳадларида "аллалайди".

Дарвоҷе, Нафиса Абдуллаевининг яна бир хислати ҳақида айтишни унтибман. У инглиз тилини билади. Китобчадаги фикр-мулоҳазалари ёнмаён, бетма-бет инглиз тилида ҳам берилган.

Х.ТЎЙМАНОВА

КИТОБ – ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Китоб қофоз ихтиро килинмаган вақтда со-полларга, кийик, айқиқ каби хайвонларнинг ошланган терисига битилган. Ўтмиш замонлардан шу кунгача отабоболаримиз китобни foят машақатли меҳнат экавизига юзага келганини англаб, унинг оёқ ости бўлишига йўл қўймаганлар. Китоб сақланадиган жойни табарорук хисоблаганлар. Ўзбекистонда кутубхоначилик жуда қадимдан ривожланган. Боболаримизнинг акл-идро-кини намунаси бўлган. "Авесто" 200 та кийик терисига битилган экан.

Археологлар маълумотларига кўра, Хоразмда III асрдаёт анчагина бой кутубхона мавжуд бўлган. Ваҳоланки, араблар қоғозни, илк

маротаба юртимизга бостириб келганда кўришган экан.

Шарқнинг буюк мутафаккири Ибн Сино даврида Бухоро амири кутубхонаси китоблар рўйхати (каталог) бўйича тартиб билан жойлаштирилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Хозирги кунда республикамида 17 мингдан ортиқ оммавий ва илмий кутубхоналар фаoliyati кўрсатиб келмоқда. Бу кутубхоналарда хилма-хил фантармоқларига оид билимлар жойлаштирилганлики, улар кишилар тафаккурининг энг нодир маҳсуллари ва машҳур кишиларнинг умр давомида катта изланишлари экавизига вужудга келган илим дурдоналари хисобланади.

Буюк мутафаккири Абу Райхон Беруний 150 та ки-

тоб ёзган. Афсуски, шундай бизга 30 таси етиб келган. Бир томондан уруш-жанжал, иккича томондан жаҳолоту хурофт жамиятимизнинг нодир манбаи бўлган китобнинг бошига не-не қора кунларни солмади. Рим императори Юлий Цезар дунёдаги машҳур китоблар мажмуми бўлган Искандария кутубхонаси кулини кўкка совурган, лекин барча кийинчилиги тўсқинларга қарамай китоб яшашда давом этди. Аждодларимизнинг китобга бўлган меҳри авлодлар қонида мангу сақланиб қолажакдир.

**Рустам ЗОИРОВ,
Тошкент Давлат
маданият институти
2-курс талабаси**

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

**Усмон УМАРОВ,
Термиз Давлат университети профессори**

АЖДОДЛАР ВА АВЛОДЛАР МАДҲИЯСИ

Ҳар соҳанинг ўз жонкуяр фидойилари, заҳмат-кашлари бор. Жумладан, илму ижодда маънавиятни тақдир деб билган ва ўзини шунга бағишилган зиёлилар кўплаб топилади.

Хур, озод ҳаётнинг гашти, сурори ўзгача. Бугунги кунда миллий истиқбол гоясини, тарихимиз, улуғ аждодларимиз билан фурурланиш туйғусини ўш авлод қалбидан ўйғотиш барчамизнинг ҳам кўнглиниздаги улуғ амалдир.

Албатта, Буюк давлат курилишида маънавий баркамоллик зарур. Бунга эса истеъодли шоирлар, ёзувчилар, олимлар ижоди маҳсулни руҳлантируви бўлиб хизмат қиласди. Амир Темур, Аҳмад Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди хайкалларини кўриб кўнгли кўтарилиган ўш авлод улар ҳақидаги китобларни ўқиса фурурига фурур кўшилади, Ватан туйғуси қалбини мунаварв қиласди.

Улуғ аждодимиз соҳибкорон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан кўплаб китоблар каторида Б.Аҳмадов, А.Орипов ва О.Бўриевларнинг асарлари ҳам нашр этилди. Иқтидорли ўш шоир Олимжон Бўриев устозлари каторида туриб, катта меҳнат қилганини жамоатчилик эътироф этди. Жумладан, китоб аввалида атоқли олим, профессор Нажмиддин Комилов шундай ёзди: "Айтиш кераки, Амир Темур ҳақида қадимдан тарихий асарлар ёзилган бўлса-да, аммо унинг ишларини яхлит ифодаловчи достон яратилган эмас. Шу боис Олимжон Бўриев асарини бемалол "Темурнома" дейиш мумкин... Унда бадиий-поэтик кўтарилик руҳ бор. Шоирнинг муносабати, ҳис-ҳаяжони бор. Иккинчидан, киритилган ҳикоялар ва ривоятлар асарнинг бадиийлигини кувватлантирган дейиш мумкин".

Олимжон Бўриевнинг ушбу шеърий романида нафақат Соҳибкорон бобомиз, балки Шоҳруҳ, Улуғ

бек, Жомий ва Навоий ҳақидаги достонлари ҳам ўрин олганки, китобхон асардаги:

Темур ўз юртни кўп севар эди,

Юрт деб жон бериши мукаррар эди.

Хазар тоғларидан то дарёйи Чин,

Темурга тобеъдир бу Турон замин —

сатрларини ўқиши билан муаллифнинг улуғ аждодимизга бўлган улкан меҳрини хис этди ва яна бир бор Соҳибкоронга таъзим қиласди.

Шоирнинг Абу Қосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий ҳикматларидан илҳомланиб ёзган "Замаҳшарийнома" асари Саъдийнинг "Гулистан", "Бўстон", Жомийнинг "Бахористон" каби асарларининг мантиқий давоми десак хато қилмаймиз. Мазкур китобда муаллиф ўзи билган, ўқиган, ёдида қолган барча ҳикматли ва ибратли, тарбиявий-ахлоқий ўйтларни назмга соглан.

Тўғри ва ҳам йўлда ташласа қадам —

каби сатрларини кўздан кечираш эканмиз, бундай китобларнинг тарбиявий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш ўринлини, деб ўйлаймиз.

Яна шуниси қувончилики, Олимжон Бўриевнинг "Фурори миллат тимсоли" қасида-достонини Йўлдош Сулаймон "Мустақиллик симфонияси" деб баҳолади. Бу достонга берилган муносиб баҳодир.

Муаллиф "Маънавият гултожи" китобида Пайғамбар (с.а.в.) образини сўз воситасида манзур қилишга ўринган бўлса, шу китобдан ўрин олган "Имом ал-Бухорий" достони ҳамда шеърий ҳадислари узукка кўйилган кўзде мантиқан бир-бирини тўлдириб келади.

Олимжон Бўриев ўзининг ҳар бир асарида китобхонни маънавий жиҳатдан тарбиялайдиган ҳикматлар, мақоллар, улуғлар ўйтини кўп кўллади. Бу, айниқса, ўшларга кўпроқ ижобий таъсир кўрсатади. Шоирнинг "Аҳмад ал-Фарғоний" ҳақидаги достони ҳам мустақил

лик маънавияти мулки бўлиб қолди. Газёта ва журнallарда унинг Камолиддин Беҳзод ҳақидаги достонидан парчалар эълон қилинди, Ватанимизнинг учминг йиллик тарихини қамраб олган улуғ аждодларимиз тимсолини ўзида мужассам этган "Сулолалар" эпопеяси ва "Ал-Мотурийд — тўқиз мўъжиза" достонининг нашрлаётганини кишини қувонтиради.

Куни-кеча нашрдан чиккан "Жалолиддин жасорати" шеърий романи Олимжон Бўриевнинг бадиий ижоддаги яна бир дадил

Sizlarga quyida taqdim etilayotgan ertak va she'rlarni taniqli yozuvchi Korney Ivanovich Chukovskiy yozgan. Korney Chukovskiy bu dunyoda bir kam yuz yil yashadi. U 1882 yilda Peterburgda tug'ilib, 1981 yilda Moskvada olamdan o'tgan edi.

K.Chukovskiy adabiyotga avval tanqidchi-yozuvchi sifatida kirgan. Tolstoy, Dostoyevskiy, Chekov singari o'nlab yozuvchilarning ijodi haqida yaxshi-yaxshi maqola, hikoya va xotiralar yozardi. O'zining dalolat berishicha, u bolalar shoiri bo'lishni xayoliga ham keltirmagan edi. Faqat kunlardan bir kun, 1911 yili, u bolalar jurnallarida boshilgan yoqimsiz she'rlarni qattiq tanqid qilib chiqadi, ularning zerikarli va no'noqligi, siyqa va sabil vaznlarini, silliq, ammo yuksiz va zavqsiz qofigiyalari to'g'risida yozadi. Ammo bu maqola

Nor ekan,
Sayyoh timsoh bor ekan...

She'r o'zidan-o'zi keladi. Ertak aytarkan, she'r shakli to'g'risida o'ylab ham o'tirmaydi... Faqat o'g'lining e'tiborini kasallik og'riqlardan boshqa yoqqa burmoqchi bo'ladi. Asil o'xshatishlar, go'zal qofiyalar izlab o'tirmaydi, chunki o'sha onda she'rni to'xtatib bo'lmas edi. Hammasi jadallikka, voqeal va timsollarni tez-tez o'zgartirishga bog'liq edi. Kasal o'g'ilchaning ingrashiga ham, yig'lashiga ham fursat goldirmaslik kerak edi. Shuning uchun ota folinlarga o'xshab tinimsiz bidirlardi:

Yuz funt uzum terilsin,
Mukofotga berilsin,
Yuz funt shokolad bilan,
Yuz funt marmelad bilan
Ming portsiya muzqaymoq qo'shib berilsin!

ERTAKCHI INSONIYLIKNI TARG'IB ETADI

jamoatchilik e'tiboridan chetda qoladi. Faqat oradan besh yil o'tgach, 1916 yili, u yozuvchi Maksim Gorkiy bilan poyezdda tanishib suhbatlashib qoladi.

— Siz bolalarga kitob yozayotgan bir qator yomon shoirlarni so'kkon edingiz. Ammo faqat so'kish bilan biron yaxshi natijaga erishib bo'lmaydi. Xo'p, siz bu riyokor va yaramaslarni yo'q qildim, deb faraz qiling, keyin ularning o'miga-o'rin bolalarga nima berasisiz? Bir bola kitobi o'nlab maqolalarga nisbatan tarbiya ishiga ko'proq foyda keltiradi. Yaxshisi, o'zingiz bugungi turmushimizdan bolalarga she'riy ertak yozing, — deydi Gorkiy.

K.Chukovskiy shunday qilishga va'da beradiyu, ammo so'zining ustidan chiqolmay yuradi. Lekin, kunlardan bir kun, o'sha yili, poyezdda bir o'g'li kasal bo'lib qoladi. Injiqlik qiladi, yig'laydi, ingraydi. Korney Ivanovich o'g'lini alahsitsish, og'irini olish uchun, uchib ketayotgan poyezdning taraqa-turuqi ohangida ertak ayta boshlaydi:

Bor ekan,

Korney CHUKOVSKIY



TIMSOH

Juda qadimgi ko'hna ertak

1

Bor ekan,
Nor ekan,
Sayyoh timsoh bor ekan,
Chilim ham so'rар ekan,
Turkcha ham so'ylar ekan-
Timsohvoy, Timsoh o'g'li
Timsohvoy!

2

Orqasida olomon
Ko'tarar shovqin-suron,
"Voy, afti muncha yomon-
Cho'tir, bujur, so'laqmon:
Burni bo'ra-mo'raday,
Og'zi xuddi o'raday!
Qaydan kepti bu maxluq,
turqi sovuq?"

3

Orqasida bolalar
Hamda farosh xolalar
Uni hadeb turtishar,
Xafa qilib o'tishar;
Bitta bolakay esa
Mushtin do'laytdi rosa,
Vovullab bir it uni
Tishlab oldi burnini,-
Juda yomon it ekan, tarbiyasiz.

4

Timsoh uyg'onib birdan
Itini zanjiri bilan
Xap etib, kap etib yutdi jig'ildoniga.

5

Odamlar achchiqlanib
Uni o'rashdi yanib:
"Ushlanglar, ushlanglar,

to'rt tarafdan qurshanglar,
Mahkam bog'lab topshiraylik
politsiyaga!"

6 U qochdi tramvaya,
Hamma tushdi dod-voyga.
Birov oshdi o'mballoq,
Birov qochdi tumtarog-
Izlab uyini,
Ko'cha-ko'yini:
"Yordam bering, voy-dod!
Qutqaring, voy-dod!"

7 "Nima shovqin?"— deb so'rab
Chopib keldi bir mirshab:
"Timsohmi, ha timsohmi?
Nima, timsoh bilmasmi-
Timsohlarga man etilgan bu yerda
o'ynash?!"

8 Timsoh qochmadi cho'chib.
Og'zini katta ochib
Etik-petigi bilan,
Miltiq-piltig'i bilan
Sho'rlikkina mirshabni yutib
yubordi.

9 Hamma qo'rqib qaltirar,
Duduqlanar, qaldirar.
Bittagina yosh,
Aziz vatandosh
Qaldiramadi,—
Bu shavkatli Vanya Vasilchikov
edi.

10 Bu yerda faqat
O'sha azamat
Qahramon edi,
Pahlavon edi—
O'ynardi u ko'chalarda enagasiz.

11 "Odamlarni yeysanmi hali sen,
yovuz!
Qani, qilichim! Buning
boshin uz!
Kallasin ol!"—deya o'shqirdi,
O'yinchoq qilichin qindan
sug'urdi.

12 Timsoh dedi yolvorib:
"Sen chiqding bunda g'olib!
Vanyajon Vasilchikov,
sen meni qilma nobud!
Timsohchalarim qolgan
uyimda qator noshud!
Meni kutar yosh ila ko'zining
qarosida

13 Suvlarni shapillatib suzib
Nil daryosida.
Balolarim yoniga qo'yvor meni,
Vanyajon,
Evaziga men senga hadya qilgum
shirin non".

14 Timsohga shunday deya
hayqirdi Vanya:
"Timsohchalaringga men
achinaman-a,
Ammo seni, bilib qo'y,
Ko'zing yoshlayman,

Etlaringni burdalab
Chopib tashlayman!
Senday yebto'ymaslarga
rahm-shafqat yo'q,
Odam etin yegansan, mechkay
qorning to'q".

15 Mana, mirshab
Tushdi sakrab
Yerga Timsoh og'zidan.
Hammani quchdi hayrat:
Timcoh qornida uning
Hech yeri yemabdi lat.

16 Keyin sakrab tushdi it,
Darhol yerdan oldi hid.
Shundan keyin quvonib
O'ynay boshladni,
Vanyaning yuzlarini
Yalay boshladni.
Nog'oralar taka-tak,
Osmonga to'idi mushak!
Gumbur-gumbur, burg-burg
Gumburlardi Peterburg.

17 Birovlar yerni tepar,
Birov Vanyani o'par,

Bu maydonda qolmadni
O'ynamagan bir xumpar.
Hamma qichqirdi "ura"
Bir-birin ura-sura:
Yashasin Vanya Vasilchikov!

18 Yuz funt uzum terilsin-
Mukofotga berilsin,
Yuz funt shokolad bilan,
Yuz funt marmelad bilan
Ming portsiya muzqaymoq qo'shib
berilsin!

19 Faqat bitta iltimos:
Peterburgdan qorasin o'chirsin
anov mahluq—
Bolalari yoniga jo'nasin tezroq.

20 Timsoh chiqdi uchoqqa,
Uchoq uchdi uzoqqa-
Quyunday uchib ketdi
Qaramasdan ortiga.
Zumda yetdi yurtiga,
Yurtining oti esa "Afrika" edi.

21 Yetganda tanish elga
Timsoh sakradi Nilga,
Tushdi xonardoniga—
Xotinining yoniga.
O'rab olishdi uni
xotin-bola-chaqasi.
Shudir gapning qisqasi.

TIPRATIKON XAXOLAR

Ariqning bo'yida-chi,
bitta ninachi
Mitti tipratikonga
Nina sotmoqchi.



Tipratikoncha esa
Xaxolar rosa:
"Voy jinni ninachi-ey,
Ninangni netaman, vey?!"
Ustim to'la nina-ku!"

QUVONCH

Oh, qara, qayinlardan
Yog'ar yog'dular,
Oh, qara, qayinlarda
Unibdi gullar.

Oh, qara, qanday go'zal
Anov qoratol,
Ajabo, qoratolda
Unmish po'rtaxol.

Bulutdan yog'ayotgan
Do'l emas, qizim,
Bulutdan yog'ayotir
Husayni uzum.

Bugun qarg'a ham sayrar
Bulbulcha misol.

Ariqlarda suv emas,
Oqayotir bol.

Tovuqlar tovus bo'ldi,
Kallar-baroqsoch.
Hatto o'ynar tegrimon
Yozgancha quloch.

Yuring, ketdik o'tloqqa,
Bir yayrash kerak.
Moviy daryo ustidan
Chiqdi kamalak.

Kamalakka chiqamiz,
O'ynaymiz ko'kda,
Kamalakdan tushamiz
Chanada tikka!



Вилоят, туман халқ таълими бошқармалари ва мактаб директорлари диққатига!

“O’ZDAVKITOBSAVDOTA’MINOTI” очиқ акционерлик жамияти 2001-2002 ўкув иили учун таълим-тарбия ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2—11-синфларига мўлжалланган дарсларни таклиф этади ва республиканизнинг барча вилоятларига етказиб беради.

Улгуржи савдога 10-15% чегирма берилади.

**Ўзбек тили
2-синф**

Н.Бикбаева. Математика дафтари № 1
Н.Бикбаева. Математика дафтари № 2
Х.Эгамов. Ўзингиз куринг ва ясанг
К.Қосимова. Она тили
Н.Бикбаева. Математика
К.Абдуллаева. Ўқиш китоби
А.Григорянц. Атрофимиздаги олам
Б.Макулова. Китобим-офтобим

3-синф

М.Фуломов. Хуснинат

Н.Умарова. Ўқиш китоби

4-синф

А.Григорянц. Кундалик кузатиш дафтари

Р.Икромова. Она тили

Р.Толипова. Русский язык

5-синф

Т.Пошшашўјаева. Мехнат таълими
С.Булатов. Ганчкорлик
Ж.Икромов. Математика
Р.Толипова. Русский язык
Н.Каримов. Адабиёт
Х.Нематов. Она тили
Ў.Пратов. Ботаника 5—6-с.
У.Махкамов. Ватан туйғуси

6-синф

О.Мавлонов. Зоология

Ў.Пратов. Ботаника 5—6-с.

А.Кабиров. Жаҳон тарихи

Х.Нематов. Она тили

Р.Толипова. Русский язык

А.Саъдуллаев. Ўзбекистон тарихи

7-синф


А.Муҳаммаджонов. Ўзбекистон тарихи

Истроил Буш вазири лавозими учун номзодини илгари сургаётган Ариэль Шарон 16 ёшли қизалоқ томонидан ҳарбий жиноятчиликда айблланган. Шарон ўз навбатида ўзини оқлаб, ҳақиқий жиноятчилар Истроил армияси Ливан худудига бостириб кирган пайдаги хукумат раҳбарлари эканлигини таъкидлаган.

Конго давлати президенти Лорана Кабилага уошибирган сунқасд тафсилотлари

уни дафн этиш маросими ўтказилгунга қадар бирмунча ойдинлаши. Сўнгги маълумотларга кўра, жунглидаги партизанлар урушидан бошлаб, у билан бирга бўлган шахсий қўриқчилардан бири қотилликка кўл урган.

Атлантика океанининг Францияга яқин худудида узунлиги 30 метр келадиган денгизчилар кемаси кучли шамол таъсирида ағдарилиб колган. Куткарувчилар 4 на-



фар денгизчидан бирининг ҳаётини сақлаб қолган.

Москвада инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган фавқулодда съезддан қайтаётган икки нафар чечен журналистларига нисбатан безорилик ҳаракати содир этилган. Реанимацияда ётган журналистлардан даъво аризаси тушмагани боис, ички ишлар ходимлари ҳам безовта бўлмаятилар.

Владимир Путин томонидан берилган мамлакат собиқ раҳбари Борис Ельцин ва унинг оила-аъзоларига нисбатан ҳар қандай суд таъкибидан даҳлсиз бўлиш имконияти Россия парламентининг куйи палатаси томонидан бекор қилинди.

Озарбайжон расмий доиралари қатор Европа давлатлари парламентларининг Туркия тарихига нисбатан билдириган фикрларига норозилик изхор этган.

“ҲИНДИСТОННИ

БИЛАСИЗМИ?”

Куни кече шў сарлавҳа остида юртимиздаги Ҳиндистон маданият марказида беллашув бўлиб ўтди. Ушбу беллашув Ҳиндистон мустақиллик кунига бағишлаб ўтказилди. Викторина усули-

да ўтган бу мусобақада пойтахтимиздаги икки, яъни Шарқшунослик институти ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг ҳинд тили ўрганувчи талабалари иштирок этишиди.

Беллашувни профессор Қамар Раис очиб, қатнашчиларга муваффақиятлар тилади ҳамда ўйин шарти билан танишилди. Шартга кўра, ҳар бир гурух вакили (яъни улар 9 нафардан иборат эди) навбатма-навбат савол олишиб, уни баланд овозда ўқидилар. Шундан сўнг бир дакиқа вақт ичиде жавоб беришлари лозим. Ҳар бир тўғри жавоб 10 балл билан белгиланди. Лекин жавоб бўлмаса ёки у нотўғри бўлса, кейинги гурух жавоб бериши мумкин ва у тўғри жавоби учун 5 балл олади. Саволлар Ҳиндистон тарихи ҳамда бунгунги сиёсий ва маданий ҳаёти асосида тузиленган эди. Қизиқарли ўтган ушбу мусобақа давомида Шарқшунослик институти талабалари бадиий чиқиши қилилди. Унда ҳинд адабиёти дурдан асарларидан парчалар ўқилди.

Мусобақа якунидаги баллар

фоизидан кўпини аёллар банд этган. Хусусан, 600 минг аёл бевосита ишлаб чиқаришда, 190 минг нафар аёл қишлоқ хўжалигида меҳнат қилияти. Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларига бориши лозим бўлган болаларнинг 29 фоизи зарур шароитнинг йўклиги туфайли боғчаларга бормаяти. Бу эса, эндилик-

фоизидан кўпини аёллар банд этган. Хусусан, 600 минг аёл бевосита ишлаб чиқаришда, 190 минг нафар аёл қишлоқ хўжалигида меҳнат қилияти. Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларига бориши лозим бўлган болаларнинг 29 фоизи зарур шароитнинг йўклиги туфайли боғчаларга бормаяти. Бу эса, эндилик-

да оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, уларга ҳар томонлама шароит яратиб бериш зарурлигини кўрсатмокда. Тадбир ниҳоясида Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган ҳалқаро ташкилотлар, элчихона вакиллари, шунингдек “Экология, оналик ва болалик” дастурини амалга оширишда иштирок этадиган вазирлик, идоралар, сиёсий партиялар раҳбарлари жамғарма билан ишлаш бўйича ўз таълифлари билан қатнашдилар.

“Туркестон-пресс”

бўйича Шарқшунослик институти талабалари голиб чиқиши. Уларга голиблик соғваларини викторинада қатнашган Ҳиндистоннинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бхаспар Кумар Митра жаноблари топширилар. Шунингдек, бу анжуманда элчихона маслаҳатчиси, жаноб Ашок Кумар Шарма, профессорлар Фаттоҳ Тешабоев, Темир Фиёсов ҳамда Анвар Қосимовлар иштирок этишиди. Бу байрам - викторинани ўтказишидан мақсад, ўзбекистонлик талабаларнинг нафақат тилни, балки ўша тилда сўзлашадиган мамлакатни ҳам билишларини кўриш эди.

Фарҳод ИРДАШЕВ,
“Маърифат” мухбири

Суратда: тақдирлаш пайти.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Мактабдаги дарсда ёзган иншоси учун бир ой қамоқ азобини тотган канадалик ўқувчи тез орада кинорежиссёру про-дюссерлар эътиборини ҳам ўзига жалб этди. Мактабдаги тенгдошлири ва ўқитувчиларининг унга бўлган кўпол муносабатларидан тўйиб кетган ўқувчи “мактабни портлатиб юбориши” режаси асосида иншо ёзган. Иншода у ўзининг “аниқ чора-тадбир”лари-ю, бу иш учун кўрган “тайёр гарликлари” ҳақида батафсил тўхталиб ўтган.

Ўспиринни судда ҳимоя қилган адвокатнинг айтишича, бу иншо ўқувчининг руҳияти билан ҳисоблашмасликка бўлган норозилик намойиши экан.

ОДАМЗОД МАРСНИ ИСИТМОҚЧИ

Келажакда ўёқка кўчиб боришни бошлиш учун америкаликлар бутун Марсса яшаш шароитини яхшилаш муаммоси устида жиддий бosh қотиришишмоқда. Маунтин-Вью (Калифорния)даги НАСА иммий-тадқиқот марказида 60 дан зиёд олим иштирок этган конференцияда бу Қизил сайёрани қандай қилиб Ерга ўхшатиш мумкинлиги масаласи муҳокама қилинди. Марсни қиздириш ва кам тўйинган сайёра атмосферасини қуюлтириш - биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган масала сифатига белгиланган.

Марсда ҳаво ўта совуқ бўлиб, кундузги энг иссиқ ҳарорат +15 даражани ташкил этади. Кечаси эса ҳарорат экваторда ҳам минус 85 даражага тушиб кетади. Марсда инсон қаноатланса бўладиган ҳаётни яратиш учун уни 60 даражага қиздириш керак бўлади. Конференция иштирокчилари НАСАга бирварақайига уч йўналишда иш олиб бориш тақлифини илгари сурдилар.

Биринчидан, Марсдаги қорли кутб қалпоғига чанг ва чиқиндилар сепиб, сайёранинг кўпроқ қуёш нури олишига эришиш. Ерга эса чиқиндилар етарлича топилади. Иккинчидан, Марс устига шундай улкан ойналар ўрнатиш керакки, токи улар мумкин қадар кўпроқ ёрғулукни унга ўйналишиб турсин.

Учинчидан, сайёра ҳавосига иссиқхона иқдимини берадиган газларни кўшиш керак. Инсон фаолиятининг озиғи ҳисобланган карбонат ангиридриг ва бошқалар улар сирасига киради. Иссиқхона шароити Марсда жуда самарали натижалар беради.

Бутун Марсда сайр қилиш учун скафандр кийиш керак бўлади — нафас олиб бўлмаслиги туфайли. Кутбдаги қорларнинг эришига қараб, ҳаво ҳам ўз-ўзидан қуолиб боради. Иссиқлик, юқорида айтиб ўтилганидек, 60 даражага кўтарилигач, сайёра ҳавосигининг сиғими ҳам худди 5000 метр баландликдаги тоғ ҳавосини киради. Фаразлардан шундай натижалар кутиласпти.

Анжуман иштирокчиларининг фикрларига кўра, Марсда етарли иқдим шароитларини яратиш келажакда ҳал бўлиши аён масаласи. Аммо асосий муаммо шундаки, тақлиф қилинган Марсни “ерлаштириш” усулидан сўнг сайёра ҳавосига карбонат ангиридриг миқдори бирдан ошади. Ундаги қорли қалпоқлар, Ергаги муз қобиқлардан фарқи ўлароқ, асосан музлаган карбонат ангиридриг — қуруқ муздан иборат. Карбонат ангиридриг учун жуда мос, аммо инсон ва жонивлорлар учун бу зарарли. Хуллас, ўсимликлар карбонат ангиридригни ютиб, керакли миқдордаги ҳавони ишлаб чиқаргунча кутшишга тўри келади. Бунгача камидаги бир аср ўтаркан.

Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

ДАСТУР ҲАМКОРЛИКДА БАЖАРИЛАДИ

аммоларни ҳал этишга, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, унда жамғарманинг ўтган йилларда амалга оширган ишларини давом этириш кўзда тутилган. Дастурда оналар ва болалар учун экологик, санитария-гиеник шарт-шароитларни янада яхшилаш, мамлакатимиздаги ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш белгиланган.

Маълумки, ҳалқ хўжалигида меҳнат килаётган ишчи ва хизматчиларнинг кирқ

да оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, уларга ҳар томонлама шароит яратиб бериш зарурлигини кўрсатмокда. Тадбир ниҳоясида Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган ҳалқаро ташкилотлар, элчихона вакиллари, шунингдек “Экология, оналик ва болалик” дастурини амалга оширишда иштирок этадиган вазирлик, идоралар, сиёсий партиялар раҳбарлари жамғарма билан ишлаш бўйича ўз таълифлари билан қатнашдилар.

“Туркестон-пресс”

САЙЁХПАРНИНГ САРГУЗАШТАРИ

Италия муҳожирлари пул топишнинг янги усулини “кашф этди”лар. Ишнинг мазмунни ижарага олинган автоуловнинг фидирилаклари остига ташланишдан иборат.

Кўпчилик ҳолларда бундай одамлар машиналарни ижарага берадиган фирмалар атрофида навбатчилик қилишади. Сайёх олинган уловни бошқаришга ўтириб, биринчи юз метрни босиб ўтиши билан унинг кўз олдида

кутилмаганда пиёда пайдо бўлади.

Шунда ҳайдовчи ноилож бетон тўсинни бориб уриши, ресторонларга деразаларни синдириб кириб кетиши ёки оддийгина қилиб атрофдаги йуларнинг деворини шикастлаши мумкин.

Бояги пиёда ҳандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай кўздан йўқолади. Пачоқ бўлган машина қаршисида эса ижара идораси сохиби ҳозир бўлади. Ҳаммаси

қарийб унинг кўз олдида соидир бўлганлигидан унга йўл-транспорт ҳодисаси сабабини исботлашнинг асло имкони йўқ. Ижара шартномасида эса мижоз сугурта тўловидан ташқари етказган зарарини ҳам тўлаши лозимлиги кўрсатилган бўлади. Худди шу “иш”дан муҳожир ўз улушини оларкан.

Ойдиннисо Йўлдошева

“Янги келинчаклар каби, бизга хиром айлаб келинг...”. Бу кўшикни кўп эшитгансиз, албатта. Янги келинчакнинг чиройли юршии – хиромида ўзига хос ибо, иффат, назокат ва гўзаллик бўлгани учун неча-неча бор үларга маҳлиё бокқансиз. Бунинг сири нимада эканини билишни истайсиз? Янги келинга ҳамма қизиқсиниб қарашини улар яхши билишади. Шундан ҳар бир хатти-ҳаракатлари ни ўзлари синчков назорат қила бошлайдилар. Шунчаки юрмайдилар – хиром айлайдилар, яъни чиройли юрадилар. Шунчаки шараклаб кулмайдилар – чиройли ва майнин табассум кила дилар... Айни келинлик пайтида ҳамма нарсалари чиройли бўлишини истайдилар. Истак ва ҳаракат уйғунашиб, оқибат шоирона ташбехларга лойик бўладилар. Бу тез ўтиб кетмаслиги керак.

Аёлда бу истак ва ҳаракат ҳамиша ҳамроҳ бўлиши кераклигини қулогингизга айтмоқчимиз, холос. У ёғи ўзингизга боғлиқ.

Афсуски, ҳамма қизлар ва аёллар ҳам чиройли юришини билмайдилар. Кимдир баланд пошнали пойабзал кийиб олиб бедана юриш қиласи, омонат, зўрга қадам босади. Бошқа бирор эса

ХИРОМ АЙЛАБ



қўлларини силтаб, катта-катта қадамини “тап-тап” босиб юради. Айримлар пошнасини ликлилатиб, ёйилиб, бачкана қиликлар қилиб юради. Букчайиб олиб, бошини осилтириб юрадиганлар, елкасини учирив, қилпанглаб қадам босадиганлар қанча. Бундай аёллар, юқорида айтганимиздек, ўзларига назорат кўзи билан қарамайдилар.

Ўз қадамига эътибор бериб юрадиган, юриш маданиятини ўзластиришга интила-

диган хотин-қизлар одимларини енгил ташлайдилар. Уларнинг қадам босишиларида, кўл, елка ҳаракатларида аёлларгагина хос бўлган жозиба, латофат, майнинлик муҳассам. Гавдани тўғри тутиб, бошингизни кўтариб, бир маҳромда ва енгил қадам ташласангиз сиз ҳам шунга эришасиз. Тиззаларни буқчайтири-маслика, қоринни ичига тортишга, елқаларнингизни тўғри тутишга ҳаракат қилинг.

Чиройли ва эркин, енгил

юришга одатланишда пойабзалнинг оёққа, об-ҳавога ва мавсумга мослиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Агар сиз уйда ҳам, кўчада ҳам баланд пошнали туфли кийиб юрсангиз, албатта, калта-калта қадам ташлайдиган бўлиб қоласиз. Бундай пойабзалда оёқ табиий ҳолатда турмагани сабабли, сиз гавда мувозанатини саклашга кўп куч сарфлайсиз. Оқибатда тез ҷарчаб қоласиз. Баъзан хотин-қизлар “оёғим ихчам, бежирим кўринисин” деб кичкина пойабзал кийиб юришади. Бу ҳолда оёқ сикилиб, юрганда азоб чекадилар. Турли дардларга чалиниш ҳам мумкин. Танада қон айланниши мураккаблашади. Оёқ кафти ҳам хунукалашади. Бирорқ мунтазам жуда ясси, пошнасиз пойабзалда ҳам одам чиройли юрмайди. Пойабзал пошнасининг баландлиги ўртacha бўлгани маъкул. Бундай туфлида одам енгил, майнин қадам ташлайди. Уйда кияндиган пойабзаллар ҳам иложи борича бир оз пошнали бўлсин. Шунда “хиром айлаб” ташбехи сизга нисбатан ҳам қўлланилади.

Nazokat

қадам ташлаб юриш оёқ учун жисмоний машқ вазифасини ҳам ўтайди.

Агар соглом бўлиб, чиройли юришни хохласангиз, кўп юринг, ҳар куни юринг, яқинроқ жойларга албатта пиёда боринг. Қадингизни адл тутиб, бошингизни кўтариб, қўлларнингизни тирсакдан салгина букиб (силташ керак эмас), енгил қадам ташласангиз, ўз танангизга катта муруват қилган бўласиз. Бундай ҳолатда деярли барча мускуллар ишлайди. Қон айланниши ва ўпканинг ҳаво билан таъминланиши яхшилади. Юриш ҳамма ҳам осон бажариши мумкин бўлган бадантарбиядир. У қоматингизни расо этади ва юришингизни такомилига ётказади.

Модаларни намойиш қилувчи қизларнинг қадам ташлаши ҳаммани мафтун этади. Уларга ўхшаб викор ва ноз-карашма билан юрмасангиз-да, ҳар қалай ҳар бир одимингизда зебо ва санам аёлларга хос гўзалик, жозиба, дилбарлик сезилиб турсин. Шунда “хиром айлаб” ташбехи сизга нисбатан ҳам қўлланилади.

(“Хотин-қизлар энциклопедияси”дан олинди).

Tanlov

Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрида “Алла” танлови ижрочиларининг бешинчи анъанавий республика кўриги бошланди.

—XXI асрга ўз эркимиз, обод элемиз ила ёруғ юз билан қадам кўйдик, —деди республика маданият ишлари вазири ўринбосари Муҳаммадали Абдуқундузов “Туркестон-пресс” мухбирига. —Янги асрнинг кутлуғ қадами эзгу орзу-умидларни бошлаб келди. Унинг илк иили республикамида Президентимиз томонидан Оналар ва болалар иили деб ёълон қилиниши ҳалқимиз томонидан қанчалик хурсандчиллик билан кутиб олинган бўлса, ўйлнинг хайрли тадбирлар билан бошланаётганилиги янама кувончилидир. Алла ижрочиларининг танлови шулардан бири-дир.

Алла ўз номи билан қадимиий ва азиз қўшиқ саналиб, афсонавий Алномиш сафарга жўнаркан, севикии ёри Барчиной гумонаси борлигини, у дунёга келиб отасини сўраса нима дейман, деганида, баходир унга фарзандига факат алла айтишини илтимос қиласи. У шундай алла бўлсинки, ундан Ватанга муҳаббат хисси уфуриб турсин, дейди баходир. Дарҳақиқат, аллалар янги

АЛЛА АЙТИНГ, ОНАЖОН!

дунёга келган гўдаклар қалбидаги онага, Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялайди. Қолаверса, улар алла сўзлари орқали она тилини идрок этади. Гўдак ўз тилини севиб вояга етади. Алла кўйининг ма-йинлиги юракларда эзгулик туйғуларини тарбият этади. Шу билан бирга миллий тоғ, миллий мағкурани ёшлар онгига сингдиришда ҳам алланинг ўрни бекиёс. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида қадимиий ва ўлмас аллаларнинг ижро-си билан шуғулланётган санъаткорларимиз эъзозга лойикдир.

Республика Маданият ишлари вазирлиги, “Софлом авлод учун” жамғармаси, республика хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган ҳамда “Шлюссер-Усто Хандель ва Продукцион” ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳомийлигига ўтказилётган танловга Коракалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ўз ҳудудларида ғолибликини қўлга киритган 350 нафардан зиёд ижрочилар ташриф буюрдилар. Танлов учта тур (ўз ҳудудига хос миллий урф-одатлар, саҳна маданияти ва ижро маҳорати, овоз ва созларнинг бир-бирига ўйғунлиги) бўйича баҳолади.

Танловнинг илк кунида Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги “Гавҳар” ҳамда Коракалпоғистон Республикаси Чимбой туманинг “Бесберди” фольклор-этнографик жамоалари чиқишлиари намойиш этилди. Саҳна кўринишлари асосида тайёрланган гўдакнинг дунёга келиши дилларга қанчалик шодумонлик олиб кириши, ҳалқимизнинг қадимиий ва эзгуликка йўғрилган бешик тўйлари, оналар томонидан ижро этилган аллалар жарангларга юракларни ҳаяжон чулғади. Чунки, бу кўринишлар ўзликнинг, ўзимизнинг аксимиз эди.

“Туркестон-пресс”

“ЭРТАК ТОРТИ”

Бу торта:
6 та тухум, 1 стакан шакар, 1 стакан ун, 1 стакан ёнғоқ керак бўлади.

Бисквит ҳамири қорилади. Тагига қоғоз солинган листга ҳамир кўйиб юзи текисланади. Олдиндан қиздирилган духовкада пастроқ оловда 40 дақика пиширилади. Пишиб чиқкан бисквит қоғози билан рулет шаклида иссиклигига ўралади. Илигач, қоғози шилиб ташланади. Совигандан кейин орасига заварной ёки Шарлотт крем суриб рулетнинг 2 томони текислаб кесилади. Бисквит устига қакаоли крем Шарлотт суриб иссиқ вилкада чизилади. Торт усти ва ёнлари кичкина юлдузча крем сиқичда (насадка) вергулча шаклида безатилади.

Тортнинг устига крем сиқич-

Nonushta

да 3 та лилия гули барглари билан тортнинг устига туширилади. Бисквит қотиброқ пишиб чиқса сироп билан шимдирилади.

“КАЙФИЯТ”

Бу тортга масаллик:
6 та тухум, шакар, 200 грамм сарёғ, 2,5 стакан ун, 0,5 стакан киём, сода.

Тайёрлаш: 6 та тухум сарифи, 3/4 стакан шакар билан кўпиртирилади, сариёғ, ун, 1/4 чой қошиқ сода кўшилади. Тайёр ҳамир 5 кисмга бўлинib пиширилади. Совигач қат-қатига крем сурилади.

Кремга: 6 та тухум оки, 3/4 шакар билан кўпиртирилиб, 0,5 стакан киём кўшилади.

Куруқ тери юпқа, оч пушти рангда бўлади, пўст ташлайди, ташки таъсиротларга сезир бўлади ва яхши парвариш қилишни талаб қиласи. Бунинг учун кечқурун юзни косметик сут ёки крем билан артилади. Буларни ўзингиз тайёрласангиз ҳам бўлади. 150 грамм янги сариёғни кичкина тогорачага солиб, буғ ваннада эритинг, сўнгра совутиб, 10 томчи салицил спирт қўшиб, аралаштиринг. Кейин у билан юзингизни арting ва ёғли совун билан совунлаб ювиб, қайнатилган сувда чайнинг. Тери пўст ташламаганда зигир уруғи қайнатмаси билан ювсангиз яхши бўлади (1 чой қошиқ уруға бир стакан сув қўйиб, қайнатинг ва совутинг).

Кечаси юзга озиқали ёки витаминлаштирилган крем “Ланолиновий”, “Спермацетовий”, “Ворожея” суртилади. Ҳар куни эрталаб юз косметик сут билан артилади—кундузи упа суртишдан один юзга ёғсиз крем юпқа қилиб суртилади. Тери пўст ташласа ва таъсирланса “Каратин” ниқоб қилинади.

1. 1 чой қошиқ янги творогни 1 чой қошиқ янги қаймоқ ва

ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ

1 чой қошиқ сабзи суви билан аралаштирилади.

2. 1 чой қошиқ қаймоқни 1 чой қошиқ сабзи суви билан аралаштирилади. Юқорида айтилганлардан бирортаси юпқа қилиб юзга суртилади ва 10 минутдан кейин артилади. Шунингдек, озиқали (тухум сарифи, асал, мева) ниқобини 10-15 минут юзга суртиш тавсия этилади.

Ёғли тери кўпчилик ҳолларда кулранг тусда бўлади, ялтираб туради, аксари нуктадек-нуктадек қора нарсалар бўлади. Ёғли тери об-ҳаво омилларига, сув ва совунга чидамли, лекин инфекцияларга чидамсиз бўлади.

Ёғли тери ҳар куни 2 маҳал яйтрандилади. Йоз териси тайёрланган сувда бўлади, кейин совуқ сувда чайилади.

Ёғ безлари меърида секреция ажратганда юз териси тайёрланган сувда билан яхши дезинфекцияланади. Бунинг учун 1 чой қошиқ борний кислота бир стакан қайнатилган иссиқ сувда эритилади, устига 20 томчи глицерин кўшилади, кейин совутач, ярим стакан ароқ кўшилади.

Ёғли юз учун ниқоблар:

Хамиртуруш ниқоб: 1 чой қошиқ, хамиртуруш, 1 ош қошиқ янги илитилган сутда аралаштирилади. Юзга суритиб аввал соvuқ, ке-йин илиқ сувда 15-20 дақиқадан сўнг ювиб ташланади.

Олмали ниқоб: 1 ош қошиқ, нордон-ширин олмани қириб, аталағни тайёрланган тухум оки ва 1 чой қошиқ картошкага уни билан аралаштирилади. Юзга суритиб 15-20 дақиқадан сўнг илиқ сувда ювиб ташланади.

Наргиза САДРИДДИНОВА тайёрлади.

**ТЕННИСЧИЛАР
ИНДОНЕЗИЯДА**

Душанба куни теннис бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Дэвис кубоги баҳсларининг биринчи босқичида иштирок этиш учун Индонезияга жўнаб кетадилар. Қизиги шундаки, ушбу мусобақада терма жамоамиз беш йилдан бўён жаҳон лигасининг 1-гурухидаги иштирок этиб келмоқда. Ҳамюртларимиз мусобақада майдон эгаларига қарши кортга тушадилар.

ЖЧ – 2002 БРАЗИЛИЯСИЗ ЎТАДИ

ФИФА президенти Зепп Блаттер агар маҳаллий ҳокимият футбол ишларига аралашверишини тұхтатмаса, бу билан ФИФА юрисдикцияларини бузаверса, Бразилия келгусидаги барча мусобақалардан номаълум муддатга четлаштирилиши мүмкинligини таъкидлади.

— Агар Бразилия футболи сиёсий кучларга қарамагини биз ҳис қилсак, у ҳолда бу мамлакат нафақат 2002 йилги жаҳон чемпионатидан, балки ёшлар, ўсмирлар, аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатларидан ва Гватемалада бўлиб ўтадиган жаҳон Кубоги баҳсларидан ҳам четлаштирилади, — деган ФИФА президенти.

— Шунингдек, Бразилия Жанубий Америка футбол турнирларида қатнашишдан ҳам маҳрум этилиб, ҳар қандай шароитда ҳам бразилиялик ҳакамлар хизмат кўрсатиш учун халқаро матчларга таклиф қилинмайди. Булардан ташқари, биз Бразилия футболчиларининг хорижий трансферига ҳам таъкиқ жорий қиласмиш.

Шунга қарамай, Бразилия маъмурлари маҳаллий футбол ишларига аралашышда фаол давом этишмоқда. Парламенттинг пастки палатаси миллий футбол конфедерациясининг "Nic" фирмаси билан ҳамкорлик алоқалари устидан текширув ишларини олиб бормоқда. "Nic" фирмаси Бразилия футбол терма жамоасининг ҳомийси ҳисобланиб, бир неча машхур ўйинчилар билан реклама шартномаларига эта. Юқориги палата эса мамлакат футбол жамоалари ва агентлар ўртасидаги яrim жинои далилларни исботлаш юзасидан бир қатор сўровлар ўтказишни мўлжаллаб турибди.

Воҳид АХЧОБЛИ

ЕВРО – 2000

Фанатларнинг ҳақиқий "ўзидан кетиш" и Евро–2000 бўлиб ўтган Бельгия ва Голландияда намойиш қилинганди. Улар орасида, айниқса, инглиз ишқибозлари алоҳида жонбозлик кўрсатиб, кўплари ҳибсга олиниб, жонажон ватанларига кетадиган уловга ўтқазиб юборилган. Бу Англия парламенти томонидан муросасиз қонун қабул қилинишига олиб келди. Унга кўра, полиция нафақат бирон-бир безорилик ҳаракатини содир этган ишқибозни, балки шу ишда шубҳа остига олингандарни ҳам ҳибсга олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, янги қонун бу тоифадаги кишиларнинг Англия ва ундан ташқаридаги футбол баҳсларига "ташриф буюришларини" ҳам таъкиқлайди. Сабр-бардошли Англияning ўз фуқароларига нисбатан бундай қаттиқ-қўллигини тушунса бўлади.


Футбол атрофидаги тартибсизликлар фақат Англияда рўй бераётгани йўқ. Апенниндагилар "шўхлик" да туманли Альбиондагилардан асло қолишмайди. Ишқибозча ҳал этиш ва тартибсизликлар Туриндан тортиб, Неполгача бўлган бутун мамлакатни ларзага солмоқда. Шу каби "Болонья" билан бўлган ўйинда "Наполи"нинг

ишқибозлари карабинерларга пластмасса шиша ва тошлар отиб, полициячилар билан "куч синашиб" қолишган.

Туринда тиффозлар ичидан қайсисидир майдонга ясалган бомба иргитган. Портлаш оқибатида битта маҳаллий мухлис азият чеккан - касалхонага олиб кетилган. "Брешия"нинг бир гурӯҳ мухлислари клуб президенти Луижи Ко-

**"ДИНАМО"НИНГ
МАҒЛУБИЯТИ**

Ҳамдўстлик давлатлари кубогининг биринчи давраси ўз ниҳоясига етди. Унга кўра "Динамо" (Киев) жамоаси ўйинни тарк этишга мажбур бўлди. Келгусида украиналиклар мусобақага кучли таркиб билан катнашса олмасликлари ўз-ўзидан аён. Бу турнriga бўлган қизиқиши тушириши ва жамоада моддий томондан қийинчиликларни юзага келтириши мумкин, дейишмокда мутахассислар.



**ИРИСМЕТОВ –
ЧЕМПИОНЛАР
ЛИГАСИДА**

Москванинг "Спартак" жамоаси билан 4 йилга шартнома имзолаган Жаъфар Ирисметов 2 февраль куни "Спартак"нинг Чемпионлар лигасидаги навбатдаги – "Бавария" билан бўладиган ўйинида майдонга тушади. Ҳужумчиликнинг Россиянинг энг зўр клуби билан шартномаси баҳоси 500 минг доллар деб белгиланган.

НОМЗОД ИККИТА

Германия теннис федерацияси президенти Герог Валденфелснинг маълум қилишича, теннис бўйича анъанавий Германия очик чемпионати турнири директорлигига тенниснинг машхур юлдузи Штефи Граф тайинланиши мумкин. Бордию, теннис маликаси таклифни рад этса, бу лавозимга иккинчи номзод ҳам тайёрлаб қўйилган. Янги номзод эса яна бир соғиб теннисчи Михаэл Штихдир.

ЖЧ – 2002

БРАЗИЛИЯСИЗ ЎТАДИ

ФИФА президенти Зепп Блаттер агар маҳаллий ҳокимият футбол ишларига аралашверишини тұхтатмаса, бу билан ФИФА юрисдикцияларини бузаверса, Бразилия келгусидаги барча мусобақалардан номаълум муддатга четлаштирилиши мүмкинligини таъкидлади.

— Агар Бразилия футболи сиёсий кучларга қарамагини биз ҳис қилсак, у ҳолда бу мамлакат нафақат 2002 йилги жаҳон чемпионатидан, балки ёшлар, ўсмирлар, аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатларидан ва Гватемалада бўлиб ўтадиган жаҳон Кубоги баҳсларидан ҳам четлаштирилади, — деган ФИФА президенти.

— Шунингдек, Бразилия Жанубий Америка футбол турнирларида қатнашишдан ҳам маҳрум этилиб, ҳар қандай шароитда ҳам бразилиялик ҳакамлар хизмат кўрсатиш учун халқаро матчларга таклиф қилинмайди. Булардан ташқари, биз Бразилия футболчиларининг хорижий трансферига ҳам таъкиқ жорий қиласмиш.

Шунга қарамай, Бразилия маъмурлари маҳаллий футбол ишларига аралашышда фаол давом этишмоқда. Парламенттинг пастки палатаси миллий футбол конфедерациясининг "Nic" фирмаси билан ҳамкорлик алоқалари устидан текширув ишларини олиб бормоқда. "Nic" фирмаси Бразилия футбол терма жамоасининг ҳомийси ҳисобланиб, бир неча машхур ўйинчилар билан реклама шартномаларига эта. Юқориги палата эса мамлакат футбол жамоалари ва агентлар ўртасидаги яrim жинои далилларни исботлаш юзасидан бир қатор сўровлар ўтказишни мўлжаллаб турибди.

Воҳид АХЧОБЛИ

Кичкинагина испан шаҳарчаси Альбасетеда тамоман инсоний бўлмаган ҳодиса юз берди. Маҳаллий жамоани ҳеч ҳам футбол байроқдорлари сафига қўшиб бўлмайди. Аммо бу ерда ҳеч ким истамаган-бilmagан ҳолда мамлакатнинг икки етакчи жамоаси — "Реал" ва "Барселона"нинг ишқибозлари тўқнашиб қолишиди. Каталонияликлар "Ноу Камп"да Қироллик клуби билан ҳисобни тўғрилашаётган бир пайтда испан кенгликларида "Реал"-

ИСПАНИЯ

нинг ашаддий ишқибози ўз эркатойлари ўчини олди. У "Барселона"нинг маҳаллий мухлиси билан баҳсларишиб қолгач, уйга бориб, милтиқни олиб, қайтиб келиб рақибини отиб ташлашдан бўлак таскин берадиган чора топа олмади. "Барс"нинг яраланиб, шу ердаёқ оламдан ўтган ишқибози оқругдаги машхур новвойлардан бўлиб чиқди. Демак, ишқибозлик ҳам меъеридан ошиб кетса, хунук оқибатларга олиб келиши мумкин экан.



Тошкент

кортларида

Марат Сафин-

нинг ўлдузли

онлари.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

Кўргонтепа туманидаги "Камолот", "Маҳалла" хайрия жамғармалари, туман прокуратураси ва ички ишлар фаоллари ташаббуси билан республикада илк маротаба маҳалла

келган маҳалла посбонлари етакчилари олти гуруҳга бўлиниб ўзаро мусобақалашдилар.

Сардорлар асосан спортнинг югуриш, тўснда тортилиш, тошкўтариш, арқон тортиш, якка ку-

кўл келди.

Шунингдек, кўрик-танлов иштирокчилари ҳайъат аъзоларининг буюк тарихимиз, мустақиллик рамзлари, амалиётдаги қонунлар ва меъерий ҳуж-

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ МАРТА

посбонлари сардорларининг кўрик-танлови ўтказилди. Унда Кўргонтепа шаҳар маҳаллалари сардорларининг терма жамоаси ғолибликни қўлга критди.

Туманнинг шаҳар ва қишлоқларидаги 63 та маҳалладан

рашнинг кўл жанги каби турлари бўйича куч синашди. Ахоли тураржойларида осойишталини сақлаш, қонунбузарликнинг олдини олиш, жиноятчиларни ушлаб, тегишли идораларга топширища маҳалла посбонларига ушбу мусобақа ниҳоятда

жатлар ҳақидаги саволларига жавоб қайтардилар.

Голиб жамоага ҳомийларнинг қимматбаҳо эсдалик соғалари топширилди.

Андижон вилояти,
"Туркистон-пресс"

ИТАЛИЯ

ишилгари сураётгандаги ҳақидаги далил ишқибозларни жунбушга келтирган. Аммо Ту-

риннинг "Ювентус" жамоаси тиффозлари ҳаммани "чангда қолдириши" ва ўзлари севган "арзанда"ларини роса уришган. "Ашаддий"лар "Ювентус" ўзига ярашмаган тарзда Гречиянинг "Панатинаикос"ига 1-3 ҳисобида ютқазганидан сўнг ўйинчиларга ташланишган. Жабланганлар сафида дарвозабон Ван дер Сар, Зидан, Фонсека, Монте-


ралар бор эди.

Ишқибозларнинг тартибсизликлари ҳаммани "чангда қолдириши" ва ўзлари севган "арзанда"ларини роса уришган. "Ашаддий"лар "Ювентус" ўзига ярашмаган тарзда Гречиянинг "Панатинаикос"ига 1-3 ҳисобида ютқазганидан сўнг ўйинчиларга ташланишган. Жабланганлар сафида дарвозабон Ван дер Сар, Зидан, Фонсека, Монте-

ралар бор эди.

Шу каби "Болонья" билан бўлган ўйинда "Наполи"нинг

В. БОЙМУРОДОВ

"QUSHLAR OLAMI"**(KROSSVORD-CHAYNVORD TEST)**

ENIGA: 4. G'ozsimonlar turkuming o'daklar oilasiga mansub qush. 7. Bo'yni, tumshug'i uzun botqoqliq qushi. 8. Bاليqchilarga mansub hasharotlar bilan ovqat-lanib, sahroda yashovchi tun qushi. 10. O'zi in qurmasdan boshqa qushlar uyasiga tuxum qo'yadigan o'rmon qushi. 12. To'rqovoqda boqiladigan sayroqi parranda. 13. Markaziy Osiyoda qishlaydigan, gala-gala bo'lib uya yasovchi baliqchilar turkumiga mansub qush. 16. Suvda suzishga moslashgan yapaloq tumshuqli parranda. 18. Yowoyi ko'l qushi turi. 19. O'daklar oilasiga mansub ko'rkam, kamyob parranda. 23. O'rmon to'rg'ayining bir turi. 25. Kurakoyogli qushlar turkumiga mansub yirik parranda. 27. Uzun dumli chumchuqsimon mitti qush. 28. Gul shaydosi, sayroqi qush. 29. Qarqaralar oilasiga kiruvchi parranda. 32. Duniyoda eng yirik qush. 36. Suv havzalarining qirg'oqlarida yashovchi, suvda yaxshi suzadigan, ovlanadigan qush. 37. Parrandaning dum va qanotlarini tashkil qilgan a'zosi. 38. Qush oshyoni. 39. Ovlanadigan sayroqi tog' qushi. 40. Qo'lga o'rgatilib, parrandalar ovlanadigan yirtqich qush.

BO'YIGA: 1. Tumshug'i kalta va qayrilgan sohibchangal yirtqich. 2. Tundra va o'rmon tundradagi chuchuk suvli ko'llarning sohillariga uya soluvchi, ba'zilari Orol dengizida qishlochi, patli terisi mo'yna sifatida ishlataladigan qush. 3. Yoz darakchisi. 5. Rang-barang patli, xonaki yoki yovvoyi qush. 6. O'zbekistonning barcha joylarida tarqalgan foydali qush. 9. Hasharotlar bilan oziqlanuvchi yirik boshli, tumshug'i kichikroq tun qushi. 10. Boshida kokili bor, to'tilar turkumiga mansub, Avstraliya, Yangi Gvineya orollarida tarqalgan parranda. 11. Kaptarsimonlar oilasiga mansub, musichaga o'xhash qush. 14. Vatanimizda qishlaydigan parranda. 15. Kaledoniya orolining tog' o'rmonlarida yashovchi turnasimonlar

turkumiga mansub qush. 17. Rang-barang patli, chumchuqsimon sayroqi parranda. 20. Yirtqich tun qushi. 21. Parranda a'zosi. 22. Yapaloq qushlar turkumiga mansub yirtqich qush. 24. Asosan Yevrosiyo, Shimoliy Amerikada tarqalgan O'zbekistonda ham uchraydigan sudralib yuruvchi, kemiruvchilar bilan ovqatlanadigan kamyob yirtqich qush. 25. Qarchig'aysimonlar oilasiga mansub yirtqich qushlar urug'i. 26. Tumshug'i egilgan chumchuqsimon parranda. 30. Bاليqxo'r, suvda yashovchi kurak oyoqli qush.

31. To'gaylarda tarqalgan turnasimon yovvoyi ov parrandas. 33. Janubiy Amerikaning tropik o'rmonlarida tarqalgan turnasimon qush. 34. Parranda ovalash anjomi. 35. Ko'chmanchi qushlar gala bo'lib uchadigan fasl. 36. Kaptarlar turkumiga mansub, qafasda ham urchiydigan qush.

CHAYNVORD

41. Chumchuqsimon sariq tusli qush. 42. Afsonaviy parrandalardan biri. 43. Cho'l va chala sahrolarda yashovchi bulduruqlar turkumiga mansub parranda. 44. Sakrab harakatla-

nadigan qora tusli qush. 45. Ko'klam elchisi. 46. Tez harakatlanuvchi mitti parranda. 47. Patlari yashil, jarliklarga uya quruvchi qush. 48. Xonadonda boqiladigan eng sayroqi janub qushi. 49. O'daklarga mansub qush. 50. Bahorda

uchib keluvchi, uzun tumshuqli cho'l parrandas. 51. O'laksalar bilan ovqatlanib, o'ziga xos tabiatni musaffolashtiruvchi yirtqich. 52. Uzun dumli ovlanadigan to'qay qushi.

53. Oyoqlari uzun baliqchi qush. 54. Qora tusli tog' parrandas. 55. Kapalak-simon parvoz qiluvchi, qanotlari qizil va oq xolli mitti qush. 56. Ko'plab boqiladigan xonaki parranda. 57. Xonadonda qush boqish moslamasi. 58. Yelpig'ichsimon tojli, asosan yerda hayot kechiruvchi parranda. 59. Moyqurtsimonlarga mansub qush. 60. Qirg'ovullar oilasiga mansub, yirik uy parrandas. 61. Uchqur, yirik dengiz qushi. 62. Ertaklardagi afsonaviy ezgulik qushi. 63. Suv parrandas.

MUAMMONOMA

Yuqoridagi qushlar nomlari asosida quyidagi raqamlar juftini (birinchisi nom, ikkinchisi esa harf tartibini anglatadi) harflar bilan almashtirib, muammonomani hal eting.

- I. 32-1; 4-2; 7-3; 15-3; 12-4; 8-1.
- II. 40-3; 10-5; 1-1; 13-5; 62-5; 15-1; 28-2; 19-2.
- III. 46-1; 29-5; 6-1; 8-6; 11-2; 36-1.
- IV. 3-6; 23-9; 27-5; 33-5; 25-1; 2-5; 38-1.
- V. 22-1; 21-4; 39-4; 9-1; 37-2; 44-5; 15-4; 5-4; 10-3; 14-3.
- VI. 24-2; 26-7; 30-7; 51-8; 14-1; 25-3; 17-2; 20-2.
- VII. 47-1; 23-2; 48-1; 42-1; 31-2; 36-4; 45-7; 34-2.
- VIII. 49-6; 35-2; 41-3; 55-8; 54-4.
- IX. 50-1; 22-4; 52-1; 58-5.
- X. 56-1; 59-2; 4-3; 57-2; 53-5; 61-7; 58-6.

Ulardan yana qushlar olamiga mansub o'nta nom ayon bo'ladi.

Foziljon ORIPOV tuzdi.

Gazetamizning shu yil 24 yanvar sonida berilgan KROSSVORDNING JAVOBLARI:

ENIGA: 5. Maktab. 6. Futbol. 9. Tabiiyat. 10. Makka. 12. Arena. 14. Asaka. 15. Milla. 16. Angor. 18. Paxta. 21. Xamsa. 23. Ravish. 24. Dinamika. 25. Mashrab. 26. Chiston.

BO'YIGA: 1. Daftar. 2. Parta. 3. Nuqta. 4. Borona. 7. Obida. 8. Kesim. 11. Kosinus. 13. Ruletka. 17. Ra'no. 18. Parij. 19. Shaxmat. 20. Qirg'oq. 22. Atlas. 23. Radio.